

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**22-сон**  
**(82)**  
**2003 й.**  
**ноябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

220. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги ПФ-3357-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

221. «Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 ноябрдаги 515-сон қарори

222. «Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 ноябрдаги 518-сон қарори

223. «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 520-сон қарори

224. «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори

225. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 ноябрдаги 526-сон қарори [Кўчирма]
226. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий маърифат соҳасидаги фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 ноябрдаги 528-сон қарори
227. «Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан Давлат чегараси чизигини белгилаш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 ноябрдаги 530-сон қарори
228. «Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 ноябрдаги 534-сон қарори

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **220** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, **қарор қиламан:**

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:

- а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;
- г) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;
- д) мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар;
- е) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўтолмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

- а) қасдан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига;
- б) қасдан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.

7. Тадбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон — ўта хавfli рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Фармоннинг 1-3, 5,6-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

8. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 1 декабрь,  
ПФ-3357-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **221** Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга кирилади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси 2004 йил 1 январгача бўлган муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 17 ноябрь,  
515-сон

---

\* 2-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 17 ноябрдаги 515-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган  
иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта  
ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш ва тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда «Комиссия» деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси Комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда «ишчи орган» деб аталади) функциясини бажаради.

Ишчи орган лицензия талабгорларининг тегишли ҳужжатлар билан аризаларини қабул қилади, улар бўйича эксперт хулосалари, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ва тўхтатиб туриш ёхуд лицензияларни бекор қилиш тўғрисида Комиссия қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади, лицензияларни расмийлаштиради ва қайта расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрларини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади.

3. Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига берилади.

5. Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

**II. Лицензия талаблари ва шартлари**

6. Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги қонун ҳужжатла-

рига, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг, шунингдек таркибида улар мавжуд бўлган буюмларнинг муомалада бўлишига оид норматив-техник ва бошқа талабларга мажбурий риоя қилиш;

таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашни тартибга солишга доир зарур норматив-техник ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун зарур ва белгиланган талабларга мувофиқ бўлган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши;

таркибида қимматбаҳо металллар ва тошлар чиқиндилари бўлган материаллар, буюмлар ҳамда парчаларни белгиланган талабларга мувофиқ ҳисобга олиш ва уларни сақлашнинг таъминланиши;

штатда таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш (металлургия, кимё) соҳасида махсус маълумотга эга бўлган етарли ходимлар бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг мавжуд бўлиши.

7. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатиб ўтилган лицензия талаблари ва шартларидан аниқ талаблар ва шартлар назарда тутилиши мумкин.

### III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами; лицензияланадиган фаолият тури (унинг бир қисми)нинг номи ва юридик шахс фаолият турини амалга оширишни мўлжаллаётган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияланадиган фаолият тури амалга ошириладиган бинолар ва хоналарга мулкӣ ҳуқуқни ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат;

мавжуд бино ва хоналарнинг қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига, санитария-гигиена ва экология нормаларига мувофиқлиги тўғрисида ички ишлар, санитария-эпидемиология ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг хулосалари;

ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи орган масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

10. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари микдорида йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

12. Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга тақдим этади.

Зарур ҳолларда ишчи орган лицензия талабгори томонидан лицензия талаблари ва шартларини бажариш имкониятларини жойларга бориб ўрганишга ҳақлидир.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ҳамда қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди, протокол Комиссия раиси томонидан имзоланади.

13. Ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

14. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда ишчи орган буюртманомасига кўра



«Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишчи орган маблағлари ҳисобига босмахона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва уларнинг мақсадли фойдаланилиши учун ишчи орган раҳбари шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси томонидан имзоланади.

15. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

16. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

17. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

19. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи орган ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин уч кун мобайнида улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди, лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга тақдим этади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин етти кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди, протокол Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

20. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

21. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

22. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Йўқолган ёки амал қилиш муддати ўтмаган яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдоридида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

25. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиясиз амалга оширилишининг аниқланган ҳолатлари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун солиқ органларига белгиланган тартибда юбориш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

29. Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Комиссия томонидан қабул қилинган қарорнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдоридан жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

30. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади. Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақами;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

31. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида ишчи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирмалар тарзида маълумот олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.


### **IX. Давлат божини тўлаш тартиби**

32. Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан давлат божи ундирилади.

Лицензия берилганлиги учун давлат божи маблағлари республика бюджетига ўтказилади.

Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

**Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш схемаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 222 Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 декабрдаги 517-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» 2003 йил 5 сентябрдаги 386-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг янгиланган таркиби 1-иловага\* мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича доимий мониторингни амалга ошириш, энергетика ресурсларидан самарасиз ва ноқонуний фойдаланиш ҳолларини аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан тезкор ва қатъий чора-тадбирлар кўриш;

иқтисодиёт тармоқларида энергияни тежовчи технологиялар ва механизмларнинг жорий этилишини таъминловчи дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, энергияни тежовчи лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида амалга ошириш;

энергетикада энергия яратувчи қувватларни ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастурлари амалга оширилишини назорат қилиш, иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминловчи, ресурсларни эҳтиётловчи замонавий технологияларга босқичма-босқич ўтказиш;

ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини шакллантиришда қатнашиш;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар, шунингдек ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 18 ноябрь,  
518-сон

\* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 18 ноябрдаги 518-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси (кейинги ўринларда «Комиссия» деб юритилади) давлат бошқаруви органлари ва мулкчилик шакллари-дан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг ёқилғи, энергия ва энергия манбаларини қазиб олиш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сарфлаш (кейинги ўринларда «ҳосил қилиш ва сарфлаш» деб юритилади) соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Комиссия ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Комиссиянинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### **II. Комиссиянинг вазифалари**

4. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сўзсиз амалга оширилишини таъминловчи чора-тадбирларни рўёбга чиқариш;

иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишини доимий мониторинг қилиш, энергия ресурсларидан самарасиз ва ноқонуний фойдаланиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш юзасидан тезкор ва қатъий чора-тадбирлар кўриш;

иқтисодиёт тармоқларида энергияни тежайдиган технологиялар ва механизмлар жорий этилишини таъминловчи дастурлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, энергияни тежайдиган лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар ва халқаро ташкилотлар иштирокида амалга ошириш;

энергетикада қувватлар ҳосил қилувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва реконструкция қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминлайдиган замонавий ресурсларни тежайдиган технологияларга босқичма-босқич ўтказиш дастурлари амалга оширилишини назорат қилиш;

ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини шакллантиришда қатнашиш;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишни назорат қилувчи органлар, шунингдек ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш ҳудудий комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёқилғи ва энергияни ҳосил қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив база шакллантирилишида фаол иштирок этиш.

### III. Комиссиянинг ҳуқуқлари

5. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

норматив-техник ҳужжатларни, энергия сарфи ҳамда ёқилғи ва электр энергиясининг техник нобудгарчилиги нормативлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва келишиш;

вазирликларда, идораларда, уларнинг таркибий бўлинмаларида, муассасалар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектларда ёқилғи ва энергиядан оқилона фойдаланиш масалалари ўрганиб чиқилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш масалаларида «Ўздавнефтегазинспекция» ва «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг, шунингдек ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ўз мажлисларида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг ёқилғи ва энергиядан оқилона фойдаланиш, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга энергия сарфини камайтириш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш, ресурслардан самарасиз фойдаланиш ҳолларини бартараф этишга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилиш;

ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ёқилғи ва энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига олиб келган раҳбарлар ва мансабдор шахсларга нисбатан чора кўриш тўғрисида тавсиялар бериш;

давлат бошқаруви органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан Комиссия ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот олиш.

Комиссиянинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан хорижий корхоналар ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг бажариши учун мажбурийдир.

Энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш соҳасида норматив ҳужжатлар қабул қилиш зарур бўлганда Комиссия тегишли давлат органларига таклифлар киритади.

### IV. Комиссиянинг функциялари

6. Комиссия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

энергия тежаш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишни, шунингдек унинг бажарилиши мониторингини ташкил этади;

энергияни тежаш тадбирларини, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергиядан оқилона фойдаланишга кўмаклашувчи энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлашнинг энергетика жиҳатидан самарадорлиги, илғор илмий тадқиқотлар ютуқларини жорий этиш бўйича тармоқ дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар, муассасалар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

энергетика фаолиятининг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш чоратадбирлари ташкил этилиши ва амалга оширилишига, энергиядан самарали фойда-

ланувчи ва экологик соф технологиялар, махсулотлар ва материаллар жорий этилиши, иккиламчи энергия ресурслари, шу жумладан хорижий инвестициялар ва халқаро ташкилотлар иштирокида ишлатилиши бўйича лойиҳалар амалга оширилишига, халқаро битимларда назарда тутилган чора-тадбирлар рўёбга чиқарилишига кўмаклашади;

энергетика жиҳатидан самарадорлик масалаларини ўрганиш учун вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг мутахассисларини уларнинг раҳбарлари розилиги билан, шунингдек мустақил экспертларни жалб этади, Комиссия ваколатига кирувчи масалаларни чуқур таҳлилий ишлаб чиқиш учун улардан эксперт гуруҳлар ташкил этади;

қайта тикланадиган ва анъанавий бўлмаган энергия манбаларидан фойдаланилган технологиялар жорий этилишига кўмаклашади, энергиядан, шу жумладан қайта тикланадиган, анъанавий бўлмаган, экологик хавфсиз энергия манбаларидан фойдаланиладиган технологиялардан оқилона фойдаланишга доир чет эл тажрибасини ўрганади, уларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар тайёрлайди;

энергияни ҳисобга олиш, назорат қилиш ва бошқариш приборлари, энергетика жиҳатидан самарали ва экологик хавфсиз энергетика қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича саноат базасини ривожлантиришга кўмаклашади;

давлат бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлашда энергиядан оқилона фойдаланиш, энергетика тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

вазирликлар, идоралар, уларнинг таркибий бўлинмалари, муассасалар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ёқилғи ва энергиядан оқилона фойдаланиш масалаларини белгиланган тартибда ўрганиб чиқиш ишларини ташкил этади;

юрidik шахсларнинг ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш бузилганлиги учун назорат органлари томонидан уларга нисбатан иқтисодий жазолар қўлланилганлиги ҳолатлари бўйича аризаларини кўриб чиқади;

энергетика жиҳатидан самарали ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш тадбирларини маблағ билан таъминлаш, ушбу соҳада илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, энергиянинг қайта тикланадиган ва анъанавий бўлмаган манбаларини қўллаш, энергиядан самарасиз фойдаланилганлиги учун иқтисодий жазолар қўллашдан тушган маблағлар ҳисобига ташкил этилган республика тармоқлараро энергияни тежаш ҳисоб рақамидаги маблағлардан мақсадли фойдаланишга доир қарорлар қабул қилади.

## **V. Комиссия ишларини ташкил этиш**

7. Комиссия ўз ишларини Комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган йиллик режа асосида ташкил қилади.

Комиссия мажлислари йил чорагида камида бир марта ўтказилади.

8. Комиссиянинг иш режасига мувофиқ энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлашнинг энергетика жиҳатидан самарадорлигини ва энергиядан оқилона фойдаланишни, энергия таъминотининг ёқилғи ва энергия ишлаб чиқарувчи, ҳосил қилувчи ва сарфлаш асбоб-ускуналари, тизимлари ва тармоқларининг техник ҳолатини ўрганиш масалалари, шунингдек Комиссия функцияларига мувофиқ бошқа масалалар белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Масалаларни ўрганиб чиқиш Комиссия аъзоларидан бири бошчилик қиладиган



ишчи гуруҳ томонидан ташкил этилади. Ишчи гуруҳ таркиби Комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Ишчи гуруҳлар энергетика жихатидан самарадорлик масаласини жойларга бориб ўрганиб чиқади ва унинг натижалари бўйича Комиссияга ушбу масала юзасидан Комиссиянинг келишилган қарори лойиҳаси билан биргаликда умумлаштирилган маълумотнома лойиҳасини тақдим этади.

9. Масалалар Комиссия мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уларнинг таркибий бўлинмалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари таклиф этилган ҳолда кўриб чиқилади.

10. Қабул қилинган қарорлар Комиссия мажлиси протоколи билан расмийлаштирилади ва тегишли ижрочиларга етказилади.

11. Энергияни тежайдиган тадбирлар, дастурлар ва лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш учун махсус республика энергияни тежайдиган тармоқлараро ҳисоб рақамидан маблағ ажратиладиган вазирликлар, идоралар, муассасалар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳар йили маблағлардан мақсадли фойдаланиши тўғрисида Комиссияга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этадилар.

12. Комиссия котиби:

Комиссиянинг иш режаси ишлаб чиқилишини, унинг бажарилиши назорат қилинишини, шунингдек тасдиқланган режага мувофиқ Комиссиянинг жорий ишлари ташкил этилишини;

жойларда энергетика жихатидан самарадорлик тўғрисидаги масалани ўрганувчи ишчи гуруҳлар билан биргаликда Комиссия мажлисига материаллар тайёрланишини;

вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият органлари билан биргаликда Комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилиши назорат қилинишини, Комиссия раисига тегишли ахборот ва таклифлар киритилишини;

тушадиган хат-хабарлар кўриб чиқилишини ва Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар тайёрланишини;

энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрланишини ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди.

Комиссия котиби ўз функцияларини амалга ошириш учун:

вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан Комиссия фаолияти билан боғлиқ энергетика самарадорлиги масалалари юзасидан ахборотни сўраб олиш;

вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ҳокимликларда Комиссия ваколатига кирувчи масалалар бўйича материаллар билан танишиш, шунингдек улардан Комиссия фаолиятини амалга ошириш, энергетика самарадорлиги бўйича кўриб чиқилаётган масалалар учун зарур бўлган ахборот ва материалларни олиш ҳуқуқига эгадир.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 18 ноябрдаги 518-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарияти тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 310-сон қарорига 2-иловада:

а) илова номидаги «Макроиктисодиёт ва статистика» сўзлари «Иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин;

б) I бўлимда:

«Макроиктисодиёт ва статистика» сўзлари «Иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин;

«Меҳнат вазирлиги» ва «Ижтимоий таъминот вазирлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари қўшилсин;

в) II бўлим қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси;

«Соғлом авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданиятини ошириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси;

«Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 январдаги 42-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2001 й., 1-сон, 4-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган хайъат тўғрисида Низомнинг (қарорга 2-илова) 3.1-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.1. Кўрсатиб ўтилган вазифаларга мувофиқ Бирлашган хайъатга қуйидаги функциялар юкланади:

иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг устуворликлари ва стратегик вазифалари юзасидан қабул қилинаётган қарорларнинг коллегиялигини таъминлаш;

баланслар тизими, мақсадли комплекс дастурлар, жаҳон иқтисодий ривожланишининг вужудга келаётган тенденциялари асосида ҳамда ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш, шакллантириш, эксперт баҳолаш, шунингдек уларни келишилган ҳолда Ҳукуматнинг кўриб чиқиши учун киритиш;

ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларини, республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва экспорт потенциалини кенгайтириш учун база сифатида унинг роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда истиқболли, стратегик ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ва амалий тавсияномалар ишлаб чиқиш;

республика иқтисодиётининг барча тармоқлари ва секторлари билан ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришнинг мутаносиблигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

геология қидирув ишлари дастурларини амалга ошириш, ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларини ривожлантириш, комплекс корхоналарини замонавийлаш-

тириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга ёрдам кўрса-тиш;

ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари ва корхоналарининг молиявий барқарорлиги устидан доимий мониторинг олиб бориш, молиявий оқимларнинг мутаносиблигини ва корхоналар ишларининг барқарорлигини таъминловчи комплекс чоратадбирларни амалга ошириш, жалб қилинаётган кредит ресурсларини қайтариш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;

Умумиқтисодиёт комплекси вазирликлари ва идоралари томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан уларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг, шунингдек Бирлашган ҳайъат томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш;

иқтисодий идоралар фаолияти самарадорлиги ва уларнинг иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш вазифаларини амалга оширишдаги ҳиссасини таҳлил қилиш ва баҳолаш».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 95-сон қарорида:

а) 2-бандда:

учинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика» сўзлари «Иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин;

4-банднинг учинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика» сўзлари «Иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

5-банднинг «в» кичик бандидаги «Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси ҳам шу жумлага киради» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банднинг учинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика» сўзлари «Иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин;

10-банднинг иккинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика» сўзлари «Иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг II бўлимидаги «Республика комиссияларига раҳбарлик қилиш: «Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси» сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 18 ноябрдаги 518-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан ташкил этилган Республика комиссиялари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1999 йил 5 мартдаги 101-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Бош вазири ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш тўғрисида» 1999 йил 11 мартдаги 109-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан ташкил этилган Республика комиссиялари таркибига ўзгартиришлар

киритиш тўғрисида» 1999 йил 5 мартдаги 101-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Бош вазири ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш тўғрисида» 1999 йил 11 мартдаги 109-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1999 йил 4 августдаги 375-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг янги таркибини ва Комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 20 апрелдаги 157-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган Республика комиссиялари ва кенгашлари раҳбарлари таркиби тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 308-сон қарорига 1-илованинг «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Й. Отаев бошчилик қиладиган комиссиялар» бўлими.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан ташкил этилган Комиссиялар ва Кенгашлар таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 30 сентябрдаги 374-сон қарорига 27-илова.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 223 Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида қарорларига кўра Давлат бюджетдан маблағ билан таъминладиган бир қанча вазирликлар ва идораларда бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилган. Ушбу жамғармалар маблағлари ҳисобига моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ходимларни ижтимоий рағбатлантириш таъминланмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирга қадар вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш учун методологик ёндашув ва таъсирчан механизм яратилмаган, бу эса кўрсатиб ўтилган жамғармалар маблағларининг самарасиз сарфланишига олиб келмоқда.

Давлат бюджетидан маблағ билан таъминладиган вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш Республика комиссиясининг 2004 йил 1 январдан бошлаб давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий ва молиявий жазолардан вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтириладиган айрим ажратмаларнинг 1-иловага мувофиқ бирхиллаштирилган ва янгиланган миқдорларини белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2004 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан маблағ билан таъ-

минланадиган вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ва харажатлари сметаларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, бюджет маблағлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармалар даромадлари ва харажатлари сметаларини рўйхатдан ўтказишда кўрсатиб ўтилган маблағларнинг биринчи навбатда:

моддий-техник базани янада мустаҳкамлашга;

ижтимоий ривожлантириш тадбирларига ва ходимларни моддий рағбатлантиришга;

коммунал-фойдаланиш харажатларини қоплашга йўналтирилишини назарда тутсин.

3. Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган вазирликлар ва идоралар 2004 йилдан бошлаб ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджетдан ташқари жамғармаларга маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисида бюджет маблағлари учун белгиланган шакл бўйича ва муддатларда ҳисоботлар тақдим этсинлар.

4. Вазирликлар ва идораларга бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар ҳисобига қўшимча ходимларни таъминлаш ва бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этиш тақиқлансин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан ташкил этилган жамғармалар бундан мустасно.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда бюджетдан ташқари жамғармаларга маблағлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назоратни амалга оширсин ва маблағлардан самарасиз фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўрган ҳолда самарасиз фойдаланилган суммани Давлат бюджети даромадига олиб қўйсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 19 ноябрь,  
520-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари  
жамғармаларига бюджет маблағлари ажратиш миқдорлари**

Т/р	Вазирликлар ва идоралар номи	Шакллантириш манбалари	Ажратмалар миқдори (%)
1	Молия вазирлиги	Тафтишлар ва текширишлар натижаларига кўра камомад, талон-тарож, ноқонуний сарф-харажатлар, давлат улушидан дивидендларни ўз вақтида бюджетга ўтказмаганлик учун жарималар суммасидан бюджет даромадига ундирилган маблағлар.	10
2	Ташқи ишлар вазирлиги	Кириш-чиқиш ҳужжатларини расмийлаштирганлик ва бошқа консуллик хизматлари учун йиғимлар ҳамда бошқа тушумлар.	15
3	Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси	Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар.	2*
4	Ички ишлар вазирлиги	Автомобилтранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов суммаси.	10
		Кириш ва чиқиш визаларини берганлик, уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик, вақтинчалик рўйхатдан ўтказганлик, доимий яшаш учун ҳужжатларни расмийлаштирганлик учун давлат божи.	10
		Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш. Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жарималар суммаси.	10 10
5	Давлат божхона қўмитаси	Хизматлар кўрсатишдан божхона йиғимлари ва тўловлар сифатидаги тушумлар.	65
		Божхона органлари томонидан олиб қўйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар.	10
6	Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар суммаси.	6
7	Иқтисодиёт вазирлиги	Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар суммаси.	4
8	Давлат солиқ қўмитаси	Солиқ органлари томонидан олиб қўйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар.	10
		Солиққа оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жазолар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарималар суммаси.	20

Т/р	Вазирликлар ва идоралар номи	Шакллантириш манбалари	Ажратмалар миқдори (%)
9	Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази.	Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иқтисодий жазолар суммаси.	10
10	Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси (Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди, Олий суд, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти)	Умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божи суммаси.	20
		Хўжалик судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божи суммаси.	15
		Адлия органлари ва ФХДЁ томонидан ундириладиган давлат божи суммаси.	20
		Нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божи суммаси.	15
		Адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларни, адвокатлик бюролари, фирмалари, ҳайъатлари, хусусий нотариал идораларни давлат рўйхатидан ўтказганлик, нотариал ва адвокатлик фаолиятини лицензиялаганлик, юрист кадрларни малака аттестациясидан ўтказганлик учун ундириладиган, шунингдек адлия органлари томонидан ундириладиган жарималар суммалари.	100
		Ижро ишлари бўйича бюджетга ундирилган маблағлар суммаси, вақтида тўланмаган солиқлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар бўйича боқиманда ундирилган ташқари.	30
Ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан маблағлар, шунингдек бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар бўйича ундирилган боқимандалар суммаси.	10		
11	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги	Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий суғурта бўйича мажбурий бадаллар ва ажратмалар тўлаш тартибини бузганлик учун жарималар суммаси.	10
12	Прокуратура	Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш.	10
13	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси	Қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик шахсларга солинадиган жарималар суммаси.	10
14	Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги	Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик кодексига мувофиқ солинадиган жарималар суммаси.	100
15	Давлат патент идораси	Патент божлари ва бошқа солиқ бўлмаган тўловлар.	10

Т/р	Вазирликлар ва идоралар номи	Шакллантириш манбалари	Ажратмалар миқдори (%)
16	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази	Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағларнинг маҳаллий бюджетга йўналтириладиган қисми.	100
17	Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини белгилаганлик ва уларни тамғалаганлик учун асиллик даражасини белгилаш маблағлари.	10
18	Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси)	Табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар суммаси.	100

Изоҳ:

\* Ушбу тушумларнинг 50 фоизи Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг қарорларига кўра Хусусийлаштириш дастурини ахборот билан таъминлаш учун фойдаланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автотранспорт воситаларини харид қилиш, сотиш, алмаштириш ва ҳада этиш битимларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида» 1991 йил 16 сентябрдаги 233-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 9-сон, 30-модда; 2003 й., 4-сон, 34-модда) 3-банди учинчи хатбошидаги «85 фоизи» ва «15 фоизи» сўзлари тегишли равишда «90 фоизи» ва «10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тузилиши тўғрисида» 1992 йил 11 февралдаги 59-сон қарорининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан аниқланган тафтишлар ва талон-торож, ўғирлик, камомад, ноқонуний сарф-харажатлар суммасини текшириш натижалари, давлат улушидан дивидендларнинг бюджетга ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун пеня ва жарималар бўйича бюджет даромадига тушумларнинг 10 фоизи ҳисобига Ўзбекистон Республикаси молия тизимини ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил этишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси молия тизимини ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тасдиқланади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*



3. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низом 10-бандининг охириги хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан ўтказилган тафтишлар ва талон-торож, ўғирлик, камомад, ноқонуний сарф-харажатлар суммасини текшириш натижасида аниқланган давлат улушидан дивидендларнинг бюджетга ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун пеня ва жарималар бўйича бюджет даромадига тушумларнинг 10 фоизи ҳисобига Ўзбекистон Республикаси молия тизимини ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига 2-илованинг «Божлар, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан тушган валюта тушумларини тақсимлаш» жадвалида:

10-банддаги «15» ва «85» рақамлари тегишли равишда «0» ва «100» рақамлари билан алмаштирилсин.

14-банддаги «15» ва «85» рақамлари тегишли равишда «10» ва «90» рақамлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон дипломатик ва консуллик муассасаларини ривожлантириш Республика жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 16-модда; 1999 й., 3-сон, 12-модда; 2000 й., 10-сон, 68-модда; 2002 й., 5-сон, 23-модда, 8-сон, 49-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Жамғарма маблағларидан:

ходимларни моддий рағбатлантиришда;

коммунал-фойдаланиш харажатларини қоплашда;

ахборот технологияларини жорий этиш ва замонавийлаштиришда, Ташқи ишлар вазирлиги муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда;

Ташқи ишлар вазирлиги ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ихтисослаштирилган кутубхоналарини шакллантиришда, маълумотнома адабиётлар ва ҳар хил даврий матбуотни сотиб олишда;

Ташқи ишлар вазирлиги муассасалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда;

Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларда фойдаланилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарорига 3-илованинг 7-банди иккинчи ва олтинчи хатбошидаги «15» рақамлари «10» рақамлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Нархларни бошқариш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг III бўлими иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу бўлимнинг биринчи хатбошида назарда тутилган маблағлар ва жарималарнинг барча суммаси (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаларига ўтказиладиган тегишли равишда 4 ва 6 фоиз маблағлардан,

шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун солинадиган ва Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамоатчилиқ ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган жарималарнинг 42,5 фоизидан ташқари) Нархларни бошқариш жамғармасига йўналтирилади».

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) 7-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган махсус жамғарма божхона органлари томонидан мусодара қилинган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш суммасидан 10 фоиз ажратма, шунингдек божхона йиғимлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар шаклидаги тушумларнинг 65 фоизи ҳисобига шакллантирилади».

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 1-сон, 2-модда) 5-бандининг иккинчи-учинчи хатбошидаги «35» рақамлари «20» рақамлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарори 1-бандининг учинчи—бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудида йиғимлар ундиришдан валюта тушумлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган Жаҳон божхона ташкилотига ҳар йилги аъзолик бадали суммаси чиқариб ташланган ҳолда, белгиланган тартибда республика бюджети даромадига ўтказилади».

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2000 йил 2 августдаги 300-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 46-модда) 6-бандининг биринчи хатбошидаги «15» рақамлари «6» рақами билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензиялаш, рухсатномалар берилганлиги, товарларнинг келиб чиқиши сертификатлари берилганлиги, экспорт-импорт контрактлари олдиндан экспертизадан ўтказилганлиги, хўжалиқ юритувчи субъектларнинг буюртманомалари бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослаши экспертизадан ўтказилганлиги, форс-мажор ҳолатлари бошланганлиги тўғрисида гувоҳномалар берилганлиги, ахборот маълумотномалари берилганлиги учун йиғимлар;».

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда):

қарорнинг 2-банди олтинчи хатбоши ва қарорга 1-илованинг 2-банди олтинчи хатбошига «солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзлар ундирилишидан ташқари» сўзлари қўшилсин.

қарорнинг 2-банди еттинчи хатбошига ва қарорга 1-илованинг 2-банди еттинчи хатбошига «шунингдек солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзларни ундириш бўйича» сўзлари қўшилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 14 ноябрдаги 512-сон қарорига илова 1-бандининг саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2 фоиизи — Давлат мулки қўмитасининг идора қилиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини қоплашга ва Давлат мулкани хорижий инвесторга сотишда тендер савдолари ўтказиш бўйича Давлат комиссияси қарорларига кўра хусусийлаштириш дастурини ахборот билан таъминлашга тенг улушларда фойдаланилади».

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 224 Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Эркин омбор фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси икки ҳафта муддатда: лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳулосаларни тайёрлаш бўйича тегишли эксперт комиссиялари таркибини ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштиради.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига илованинг 12—14, 18—21-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 20 ноябрь,  
523-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кодексининг 54—59, 65, 69, 70—72-моддаларига ва «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Божхона омбори — махсус жиҳозланган ва белгиланган жой бўлиб, биноларнинг худудини ва (ёки) очик майдончаларни ўз ичига олади ҳамда товарларни вақтинча сақлаш ва (ёки) божхона омбори режимларида божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган.

3. Божхона омборида:

Ўзбекистон Республикасига олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланган товарларни сақлашга рухсат берилмайди, божхона органлари томонидан олиб қўйилган ва божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборига жойлаштирилган товарлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси худудида айланиши ва сотилиши тақиқланган товарларни сақлашга рухсат берилмайди.

4. Божхона омборининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун фойдаланиладиган товарлар (масалан, ортиш-тушириш техникаси, совутиш ускунаси, компьютер техникаси, махсус кийим-бош ва ҳоказолар) божхона режими остида жойлаштирилмайди.

5. Божхона омборида ва унга туташиб кетган худудда товарлар билан ишлаб чиқариш операциялари ва бошқа тижорат операциялари амалга оширилишига йўл қўйилмайди, тегишли божхона режимида назарда тутилган операциялар бундан мустасно.

6. Божхона омбори очик ёки ёпиқ турда бўлиши мумкин.

Очик турдаги божхона омбори — ҳар қандай шахслар фойдаланиши мумкин бўлган божхона омбори.

Ёпиқ турдаги божхона омбори — муайян шахсларнинг, қоидага кўра, омбор эгасининг товарларини сақлашга ёки муайян товарларни, шу жумладан айланиши чекланган товарларни сақлаш учун мўлжалланган божхона омбори. Бундай шахслар ва товарлар божхона омборини таъсис этишда божхона органи билан келишув бўйича божхона омбори эгаси томонидан белгиланиши мумкин.

Очик ва ёпиқ турдаги божхона омборларидан сақлашнинг алоҳида шарт-шароитларини талаб этувчи ёки бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган товарларнинг айрим турларини сақлаш учун фойдаланилиши мумкин (ихтисослаштирилган божхона омборлари).

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан таъсис этиладиган божхона омборлари очик турдаги божхона омборлари ҳисобланади.

7. Божхона омборида сақланаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви ариза берилган божхона режимларига мувофиқ тегишли божхона режимлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Божхона омборида сақлашни назарда тутмайдиган ўзгача божхона режими остида ариза берилган товарларни божхона омборидан амалда олиб чиқиш танланган божхона режимига мувофиқ бундай товарлар чиқарилиши пайтидан бошлаб уч кундан кечикмай амалга оширилиши керак.

8. Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси номидан фаолият кўрсатиш минтақасида божхона омбори таъсис этиладиган унинг ҳудудий бошқармаси томонидан (кейинги ўринларда «лицензияловчи орган» деб юритилади) амалга оширилади.

Божхона омбори фаолиятини амалга ошириш учун лицензия (кейинги ўринларда «лицензия» деб юритилади) божхона омборининг эгаси, ҳудуди ва бинолари мазкур Низом талаблари ва шартларига мувофиқ бўлиши шарти билан эгаллигида омбор ҳудуди, шунингдек божхона омбори сифатида фойдаланиш мўлжалланаётган омбор ва ёрдамчи бинолар бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсига беш йилга берилади.

Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

9. Агар божхона омбори божхона органи томонидан таъсис этилса, лицензия олиш талаб қилинмайди. Бундай божхона омборини таъсис этиш ва унда товарларни сақлаш тартиби мазкур Низомда белгиланган талаблар ва шартларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

10. Божхона омбори фаолиятини амалга оширишга намунавий (оддий) лицензия берилади.

11. Лицензияни ёки у бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

## **II. Божхона омбори жойлашган жойга, унинг жиҳозланишига ва асбоб-ускуналарига қўйиладиган талаблар**

12. Божхона омбори ҳудуди божхона назорати зонаси ҳисобланади.

Божхона омбори ҳудудига мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган тартибда қўриқладиган ва белгиланган товарларни божхона назорати остида етказиб беришни тугаллаш учун зарур бўлган вақтда товарларни ташиётган транспорт воситалари тўхтаб туриши учун жиҳозланган ҳудуд туташиб кетиши керак. Кўрсатиб ўтилган ҳудуд шунингдек божхона назорати зонаси ҳам ҳисобланади. Божхона назорати остидаги товарларни ташийдиган транспорт воситалари божхона назоратининг кўрсатиб ўтилган зонасига сутканинг исталган вақтида кириши мумкин.

Божхона омборлари имкони борича транспорт узеллари ва транспорт магистралларининг яқинида жойлаштирилиши керак.

13. Божхона омбори сифатида фойдаланиш мўлжалланган бинолар ва (ёки) очиқ майдончалар сақланаётган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назорати амалга оширилиши, уларнинг сақланиши таъминладиган тарзда жойлаштирилиши, жиҳозланиши ва асбоб-ускуналар билан таъминланиши керак ҳамда қуйидагиларни истисно этиши лозим:

божхона омбори ҳудудига ва товарларга бегона шахсларнинг (омбор ходимлари бўлмаган, товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлмаган шахсларнинг) яқинлашиши;

товарларнинг божхона назоратидан ташқарига туширилиши ва олиб қўйилиши.

Божхона омбори биноси эшиги иккита қулф билан қулфланиши, улардан бири божхона органи ихтиёрида бўлиши керак.

Агар бинонинг ёки иншоотнинг бир қисми божхона омбори ҳисобланса, унга

бориш йўлларидаги асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ҳамда туташиб кетадиган тушириш майдончалари божхона назорати остидаги товарларга бегона шахсларнинг яқинлашишини истисно этиши керак.

14. Божхона омбори худуди ва бинолари майдони мазкур Низомда назарда тутилган талаблар ҳисобга олинган ҳолда божхона омборининг нормал фаолият кўрсатиши учун етарли бўлиши керак.

15. Божхона омбори бинолари:

ер устидаги иморатларда ёки иншоотларда жойлаштирилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган техник, санитария, ёнғинга қарши ва бошқа талабларга жавоб бериши;

қўриқлаш ва ёнғин назорати сигнализациялари билан жиҳозланган бўлиши;

ёнғинни ўчиришнинг ёнғин хавфсизлигининг тегишли талабларига мувофиқ бўлган тизими ва воситаларига эга бўлиши керак.

16. Тез бузиладиган товарлар божхона омборида бундай товарлардан ўз вази-фасига кўра фойдаланиш имконини берувчи, уларнинг сифати сақланиб қолиши муддати доирасида, бироқ танланган божхона режимига мувофиқ белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаган муддатда сақланиши мумкин.

17. Бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган ёки алоҳида шарт-шароитларда сақланиши талаб этиладиган товарлар омборларда ёки божхона омборининг бир қисми ҳисобланган ва бундай товарларни сақлаш учун махсус мослаштирилган алоҳида биноларда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган мажбурий талабларга риоя қилинган ҳолда сақланиши керак.

18. Божхона омборининг эгаси:

божхона омборининг умумий майдонини, яъни фақат вақтинча сақлаш божхона режими ва божхона омборининг божхона режими остида жойлаштирилган товарларни ва уларга нисбатан божхона омбори ва вақтинча сақлашнинг божхона режими бошқа режимга ўзгартирилган товарларни сақлаш учун бевосита мўлжалланган ва фойдаланиладиган майдонни;

товарларни ташувчи транспорт воситаларига товарлар ортиладиган ва тушириладиган участкада божхона омборига туташиб кетадиган божхона омбори ва/ёки туташиб кетадиган божхона омбори атрофида жойлашган худудни (кейинги ўринларда «божхона омборига бевосита туташиб кетган худуд» деб юритилади);

божхона омборида товарни сақлаш мўлжалланган товарлар номенклатурасини белгилайди.

19. Битта юк божхона декларацияси бўйича божхона омборига жойлаштирилган товарларни ёки битта юк божхона декларацияси бўйича бошқача божхона режими остида жойлаштиришга ариза берилган товарларни (божхона омборидан товарларни чиқаришда) сақлаш учун божхона омбори эгаси томонидан божхона омбори майдонининг бир қисми махсус ажратилади ва белгиланади (кейинги ўринларда «омбор ўрни» деб юритилади).

20. Божхона омбори худуди ва биноси мазкур Низомнинг 22-бандига мувофиқ: вақтинча сақлашнинг божхона режими остида жойлаштирилган товарларни; божхона омборининг божхона режими остида жойлаштирилган товарларни; уларга нисбатан вақтинча сақлаш ва божхона омборининг божхона режими тугалланган ва божхона омборидан олиб чиқиш мўлжалланган товарларни;

экспортнинг божхона режимига мувофиқ олиб чиқиш мўлжалланган товарларни сақлаш учун махсус ажратилган, тўсиб қўйилган ва тегишли равишда белгиланган майдонларга (зоналарга) эга бўлиши керак.

Зоналар товарни бир зонадан бошқа зонага ўтказишга тўсқинлик қилувчи яхлит ёки тўрсимон тўсиқлар билан ажратилиши, бундай зоналарга кириш эса (эшик-

лар, дарвоза) мустақил (алоҳида) бўлиши мумкин. Божхона омборини зоналарга ажратиш усули ва ушбу зоналарга кириш алоҳидалиги, мустақиллиги тўғрисидаги қарорни лицензияловчи орган божхона омборида сақлашга мўлжалланган товарлар номенклатурасидан келиб чиқиб қабул қилади.

21. Божхона омборига бевосита туташиб кетган ва божхона назорати зонаси ҳисобланган ҳудуд қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

божхона омборига туташиб кетган бутун ҳудуд периметри бўйича махсус белгиланган (тўсилган);

ичкарасида божхона омборининг бир қисми ҳисобланмаган ўзга иморатлар ва иншоотларга эга бўлмаслиги;

кўп юк кўтарадиган транспортнинг манёвр қилиши имкониятини таъминлаши;

эшик ўрни томонидан божхона омбори иморатига бевосита туташиб кетган бўлиши;

ўзбек, рус ва инглиз тилларида «божхона назорати зонаси» деган белги қўйилган бўлиши керак.

22. Божхона омбори ва божхона назорати зонаси ҳисобланган, божхона омборига бевосита туташиб кетган ҳудуд:

умумий периметр бўйича бир-биридан ажратилмаган;

яхлит тўсиқлар билан айлантириб тўсилган ва барча чиқиш (кириш) ва/ёки чиқиш (кириш)нинг жойларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида «божхона омбори» белгиси қўйилган ҳолда назорат-ўтказиш пунктларига эга бўлиши керак.

23. Божхона омбори доимий равишда соз, ишлаш ҳолатида ва унинг нормал фаолият кўрсатиши учун етарлича бўлган ва қуйидагиларни ўз ичига олувчи жиҳозларга:

ортиш-тушириш ва транспорт воситаларига;

омбор асбоб-ускуналарига;

аниқлиги ва ўлчаш чегаралари божхона омборида сақлаш мўлжалланаётган товарларнинг хусусиятига мувофиқ бўлган товарларнинг оғирлигини тортиш воситаларига;

алоқа воситаларига (шу жумладан телефон, факс);

ташкилий техникага;

мебелга;

агар бу унинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлса, асбоб-ускуналарнинг бошқа турларига эга бўлиши керак.

24. Божхона омборига жойлаштирилган товарлар устидан божхона назоратини таъминлаш учун лицензияловчи орган сақлашга мўлжалланаётган товарларнинг хусусиятини, шунингдек божхона омборини таъсис этиш учун мўлжалланаётган бинонинг (биноларнинг ёки бошқа жойнинг) жойлашишини ҳисобга олган ҳолда божхона омбори ва унга бевосита туташиб кетган ҳудуднинг жойлашиши, ажратиши ёки жиҳозланишига аниқ талаблар қўйишга ҳақлидир.

Лицензияловчи органнинг қарорига кўра корхоналар ҳудудидаги ва эгаси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи шахслар бўлган ёпиқ турдаги божхона омборларини жиҳозлаш ва уларни асбоб-ускуналар билан таъминлашга нисбатан мазкур Низомда назарда тутилган айрим талаблар қўлланилмаслиги мумкин.

25. Божхона омборида ва божхона назорати зоналари ҳисобланган божхона омборига бевосита туташиб кетувчи ҳудудда ҳар қандай турдаги чиқиндилар ёки бошқа маиший ахлат тўпланиши мумкин эмас.

26. Божхона органи ходимлари учун божхона назоратини ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун зарур бўлган жиҳозланган бинолар, алоқа воситалари ажратилиши керак.

27. Божхона омборини таъсис этиш ва унинг фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикасининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

28. Божхона омборини асбоб-ускуналар билан қўшимча равишда таъминлаш (қўшимча равишда жиҳозлаш), тартибни сақлаш ҳамда қўриқлаш ва ўтказиш режими таъминлаш лицензияловчи орган билан келишган ҳолда божхона омборининг эгаси томонидан ва унинг ҳисобига амалга оширилади.

29. Мазкур Низомнинг 22—24-бандларида белгиланган талаблар божхона омборини таъсис этиш учун берилган аризани кўриб чиқиш босқичида божхона органи томонидан белгиланиши ва божхона омборидан фойдаланиш тартиб-қоидасида акс эттирилиши керак.

### III. Божхона омборининг эгасига қўйиладиган талаблар

30. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона органи божхона омборининг эгаси бўлиши мумкин.

31. Божхона омборининг эгаси қуйидагиларга мажбурдир:

вақтинча сақлашнинг божхона режими ва божхона омборининг божхона режими шартларига мувофиқ божхона назорати остида товарлар сақланишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

берилган лицензия шартларига, шу жумладан унинг божхона омборини жиҳозлаш ва уни асбоб-ускуналар билан таъминлаш талабларига оид қисмига риоя қилиш;

божхона омбори сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларга эгалик қилиш (ўз мулкида бўлиши ёки хўжалик юретишида, оператив бошқарувида бўлиши ва ижарага олган бўлиши);

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 111-моддасига мувофиқ божхона тўловлари тўланишини таъминлаш;

мазкур Низомнинг II бўлимида белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш;

божхона омборига жойлаштирилган товарларни фақат божхона омбори ҳудудида ва омбор биноларида сақлаш;

божхона омборига жойлаштириладиган товарлардан сақлашдан бошқа мақсадларда фойдаланилиши имкониятини истисно этиш ва кўрсатиб ўтилган товарлар билан ариза берилган божхона режимига мувофиқ операциялар содир этилишини таъминлаш;

божхона назоратини амалга оширишда божхона органлари ходимларига ёрдам бериш;

божхона омборига тушувчи ва божхона омборидан олиб чиқиладиган товарлар ҳисобини юритиш (шу жумладан автоматлаштирилган ҳисобини юритиш) ва ушбу товарлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган тартибда божхона органларига ҳисобот тақдим этиш;

божхона органининг талаби бўйича божхона омборидаги товарларни божхона органининг мансабдор шахси иштирокида хатловдан ўтказиш;

санитария қоидаларига, омборга жойлаштириш нормаларига, товарларнинг ёнма-ён қўйилиши қоидаларига ва сақлаш режимига, давлат стандартларининг мажбурий талабларига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар ва шартларни бажариш;



вақтинча сақлашнинг божхона режими ва божхона омборининг божхона режими амал қилиши тугаллангандан кейин аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган божхона омборида сақланаётган товарлар билан юз берган ўзгаришлар тўғрисида божхона органига имкони борича қисқа муддатларда маълум қилиш;

божхона омборида сақланаётган товарлар билан амалга оширилиши мўлжалланаётган операциялар тўғрисида божхона органини барвақт хабардор қилиш ва божхона органининг ёзма рухсатномасисиз бундай операциялар содир этилишига йўл қўймаслик;

божхона омборида сақланаётган истеъмол товарларига махсус марка ёпиштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва кўрсатиб ўтилган товарларни омбордан фақат уларга мана шундай марка ёпиштирилган тақдирда чиқариш;

мазкур Низомнинг 77-бандида белгиланган ҳолларда божхона тўловлари тўлаш;

божхона омбори ҳудудини ва биноларини ҳамда божхона омборига бевосита туташиб кетувчи ҳудудни ижарага олиш муддати тамом бўлишидан икки ой олдин лицензияловчи органни, агар бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларга эгалик қилиш унинг асосида амалга оширилса, ижара шартномаси узайтирилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, хабардор қилиш;

божхона органини таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, божхона омборига киришга рухсати бўлган ўз ходимлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

лицензия бекор қилинган ёки унинг амал қилиши тўхтатилган тақдирда, ёхуд божхона омбори тугатилган тақдирда бу ҳақда лицензияловчи органни хабардор қилиш, товарларнинг сақланишини таъминлаш, божхона омбори тугатилиши тартиб-қоидадини бажариш ва Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 59-моддасида белгиланган муддатларда омборда сақланаётган товарлар чиқарилиши чоратадбирларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг қонуний талабларини бажариш, шу жумладан божхона органлари мансабдор шахсларининг товарлар сақланаётган божхона омборига киришини таъминлаш;

божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун божхона омборидаги жиҳозланган бинолар ва алоқа воситаларини божхона органлари ходимларига бепул тақдим этиш.

32. Божхона омборининг эгаси божхона органини божхона омбори очилиши муддати тўғрисида олдиндан хабардор қилади. Товарларнинг божхона расмийлаштируви ва уларнинг кейинчалик божхона омборига жойлаштирилишига бундай билдиришнома олингандан кейин йўл қўйилади.

33. Вақтинчалик сақлаш омбори эгасининг товарларни сақлаш учун жойлаштирувчи шахслар билан муносабатлари шартнома асосида қурилади.

34. Давлат божхона қўмитасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан божхона омбори эгасининг таркибий бўлинма фаолиятини амалга оширишига қўйиладиган талаблар ва унинг тартиби назарда тутилиши мумкин, лицензия талаблари ва шартлари таркибий бўлинмага ҳам татбиқ этилади.

#### **IV. Божхона омбори фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар**

35. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами кўрсатилган лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

талабгорнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

божхона омбори ҳудудига ва биносига мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат. Агар бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларга эгалик қилиш ижара шартномаси асосида амалга оширилса, бундай шартноманинг амал қилиш муддати лицензия бериш тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб бир йилдан кам бўлмаслиги керак;

божхона омборининг тури тўғрисидаги маълумотлар (ёпиқ турдаги омбор учун шунингдек, бундай турдаги омбор танланишининг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асосланиши керак);

ариза берувчининг эгалигида бўлган ва божхона омбори сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган бинолар ва (ёки) очиқ майдончалар, улар жойлашган жой, уларнинг жиҳозланиши, асбоб-ускуналар билан таъминланиши ва моддий-техник жиҳозланиши тўғрисидаги маълумотлар;

автомобиль ва темир йўллар кўрсатилган ҳолда божхона омбори учун мўлжалланган ҳудуд ва биноларнинг тарҳи ва чизмаси;

талабгорнинг божхона омборига киришга рухсат берилган ходимларидан бўлган шахсларнинг рўйхати (фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозими кўрсатилган ҳолда);

давлат ёнғин назорати органларининг божхона омбори ҳудуди ва биноларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

давлат санитария назорати органларининг божхона омбори ҳудуди ва биноларининг ариза берилган товарларни, шу жумладан озиқ-овқат товарларини — лицензиат бундай товарларни сақлаш ниятида бўлса — сақлаш учун зарур шарт-шароитларга мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

божхона омборида сақлаш мўлжалланаётган товарлар рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 111-моддасига мувофиқ божхона тўловлари тўлаш таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензия талабгори томонидан лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Божхона омбори сифатида фойдаланиш мўлжалланган ҳар бир ҳудудий алоҳида бинога ва (ёки) ҳар бир ҳудудий алоҳида очиқ майдончага алоҳида ариза тақдим этилади.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

36. Ҳужжатлар лицензияловчи органга лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

37. Ҳужжатлар лицензияловчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

38. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **V. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

39. Лицензия бериш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

40. Лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

41. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

42. Лицензия бериш, лицензияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, улар бўйича хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссиясининг таркиби ва у тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

43. Лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссиясига киритилади.

Эксперт комиссияси йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

44. Лицензияловчи орган беш кун муддатда эксперт комиссияси хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензияловчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

45. Лицензия махсус бланкада расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

божхона омбори эгасининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва жойлашган жойи кўрсатилиши керак;

божхона омбори сифатида фойдаланиладиган бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар;

божхона тўловлари миқдорлари ва уларни тўлашни таъминлаш шакли тўғрисидаги маълумотлар;

божхона омборининг тури;

божхона омбори жойлашган жой;

божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланадиган бошқа маълумотлар.

Бланкалар намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари лицензияловчи органнинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади.

46. Лицензиялар лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан кейин уч кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

47. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида-

ги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

48. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Бошқа асослар бўйича, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаби билан лицензия бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

49. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

50. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар эксперт комиссиясининг кўриб чиқиши учун улар қабул қилган кунда киритилади.

Эксперт комиссияси олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган тўрт кун муддатда эксперт комиссиясининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

51. Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

## **VI. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

52. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

53. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

54. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Қайта расмийлаштирилган лицензиянинг асл нусхаси лицензияловчи орган томонидан лицензиатга олдинги лицензиянинг асл нусхаси олиб қўйилган ҳолда берилади. Эски нусха лицензия бериш тўғрисидаги аризага тикиб қўйилади ва лицензияловчи органда сақланади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг яри

миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

55. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

56. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

### **VII. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

57. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан назорат қилинади.

58. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёхуд тўхтатиш ҳуқуқига эгадир.

59. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида лицензияловчи органнинг мансабдор шахслари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатда қолади.

### **VIII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

60. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

61. Лицензиянинг амал қилиш муддати тўхтатиб турилиши ёки божхона омборининг тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб божхона омборига товарларнинг янги туркумларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

62. Божхона омборини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган санадан бошлаб божхона омборининг божхона режими остида жойлаштирилган ва бундай омборда сақланаётган товарлар вақтинча сақланаётган товарлар сифатида қаралади.

Тугатилаётган божхона омборида товарлар ва транспорт воситаларининг вақтинча сақлаш режимида бўлишининг умумий муддати икки ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

63. Божхона омборининг эгаси лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши ёки унинг бекор қилиниши тўғрисидаги қарори олинган санадан бошлаб уч кун муддатда лицензияловчи органга лицензиянинг бекор қилиниши ёки амал қилишининг тўхтатилиши кунда тугатилаётган божхона омборида сақланаётган товарлар тўғрисида тўлиқ ҳисобот тақдим этади.

64. Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб етти кун муддатдан кечикмай тугатилаётган божхона омборида сақланаётган товарларни хатловдан ўтказиши.

65. Божхона омбори тугатилган тақдирда божхона омборининг божхона режими остида жойлаштирилган ва божхона омборидаги товарлар товарни божхона омборига жойлаштирган шахс, ёхуд унинг ваколатли шахси томонидан танланган божхона режимига мувофиқ:

лицензия бекор қилинганда — товарлар омборларга жойлаштирилган санадан бошлаб;

бошқа ҳолларда — тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб тақдоран божхона расмийлаштирувидан ўтиши керак.

66. Лицензия бекор қилинганлиги муносабати билан божхона омбори тугатилган тақдирда унинг эгаси товарлар сақлаш учун жойлаштирилган санадан бошлаб товарлар тугатилаётган божхона омборида бўлган бутун давр учун Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан таъсис этилган омборлар учун белгиланган миқдорларда товарлар сақланганлиги учун йиғим тўлайди.

67. Товарларни вақтинча сақлаш Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вақтинча сақланаётган товарлар ҳисоби товарлар уларга мувофиқ божхона омборининг божхона режими остида жойлаштирилган божхона юк декларацияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

68. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши, тўхтатилиши ва лицензиянинг бекор қилиниши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорда жавоб беради.

### **IX. Лицензиялар реестри**

69. Лицензияловчи орган божхона омборлари эгалари реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида лицензиатлар тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилиши керак:

номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;  
лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;  
дубликат бериш асослари ва санаси.

Эгаси божхона органлари ҳисобланган божхона омборлари Божхона омборлари эгалари реестрига киритилмайди.

70. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси олти ойда камида бир марта божхона органларининг расмий нашрларида Божхона омборлари эгалари реестри, эгаси божхона органлари ҳисобланган божхона омборлари рўйхати, шунингдек Реестрга ва рўйхатга киритилаётган ўзгартиришлар эълон қилинишини таъминлайди.

71. Реестрдаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ҳақини тўлаган ҳолда лицензияловчи органда аниқ лицензиатлар ҳақида қўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестрдан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги тўлов лицензияловчи органнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади.

Реестрдан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

72. Реестрдан маълумот такдим этиш муддати тегишли ариза берилган санадан бошлаб уч кундан ортиқни ташкил этиши мумкин эмас (ахборот берилганлиги учун тўлов тўланганлиги тўғрисида ҳужжат такдим этиш шарти билан).

## **Х. Давлат божини тўлаш тартиби**

73. Лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади ва у давлат бюджетига ўтказилади.

74. Лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга лицензия беришда давлат божи миқдори лицензия амал қилишининг камайтирилган муддатига мутаносиб тарзда камайтирилади.

## **ХІ. Божхона омбори эгасининг жавобгарлиги. Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш**

75. Божхона омборида товарлар сақланиши талаблари ва шартларига риоя этилиши учун божхона омборининг эгаси товар божхона омборида сақлаш учун қабул қилиб олинган пайдан бошлаб жавоб беради, бу омборхона ҳужжати (омбор гувоҳномаси, товарларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳоказолар) расмийлаштирилиши билан тасдиқланади.

76. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 58-моддасига мувофиқ божхона омборида сақланаётган товарларга нисбатан божхона божлари, солиқлар ва бошқа божхона тўловлари тўланиши учун божхона омборининг эгаси ёхуд товарларни сақлаш учун божхона омборига жойлаштирган шахс жавоб беради.

77. Божхона омбори эгаси томонидан божхона тўловлари тўланишини таъминлаш белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши ва қуйидаги ҳолларда божхона тўловлари тўланиши таъминланишини назарда тутиши керак:

божхона органининг рухсатсиз бериш ёки божхона омборида сақланаётган товарларнинг йўқолиши;

лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин, эгасининг хоҳиши-

га кўра ёхуд лицензия бекор қилинган ёки лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган божхона омборининг тугатилиши;

божхона тўловлари тўланиши учун божхона омбори эгаси жавоб берадиган, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

78. Агар божхона омбори сифатида очиқ майдонча ёки божхона омбори сифатида ариза берилган бинонинг ҳажми (бошқа жой) ҳақида ариза берилса, божхона омборини таъсис этиш пайтида божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси майдончадан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади ва 1 кв. м майдон учун 5 энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ёки 1 куб м бино ҳажми учун 1 энг кам иш ҳақи миқдоридан тегишлича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваридан кам бўлмаган миқдор ҳисобида ҳисоблаб чиқилади.

Ёпиқ турдаги божхона омборини таъсис этишда божхона тўловлари тўланишини таъминлаш миқдори лицензияловчи орган томонидан божхона омборига жойлаштирилиши мумкин бўлган товарларнинг статистика қийматидан келиб чиқиб белгиланади ва бундай товарлар энг кўп статистика қийматининг 15 фоизидан паст бўлган, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2000 баравари миқдоридан суммада қабул қилинади.

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси ҳисоб-китоби божхона омбори сифатида талабгор томонидан ариза берилган бинолар (бошқа жойлар) майдони (ҳажми)ни ўрганиш ва мазкур божхона омборида сақланиши мўлжалланаётган товарлар рўйхати асосида лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади. Таъминлаш суммаси ҳисоб-китоби рўйхатда кўрсатилган товарларнинг энг юқори статистика қийматидан ва уларнинг мўлжалланаётган ҳажмларидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим.

Божхона органининг кўрсатиб ўтилган талаби ёпиқ турдаги божхона омборини таъсис этишда белгиланиши ва ёпиқ турдаги божхона омборидан фойдаланиш тартиб-қоидасида акс эттирилиши керак.


Лицензияловчи орган божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг қабул қилинган суммаси миқдори бундай божхона омборида сақланаётган товарларнинг умумий статистика қийматига мувофиқлигини назорат қилиши ва товарларнинг кўрсатиб ўтилган умумий статистика қиймати ўзгарган тақдирда, божхона органи божхона тўловлари тўлаш суммасига тузатиш киритишга доир тегишли чора-тадбирлар кўриши керак.

79. Божхона омборининг эгаси, агар товарлар енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида ёки сақлаш ва сотишнинг нормал шароитларида табиий камайиш туфайли йўқ қилинган ёки қайтариб бўлмайдиган тарзда қўлдан кетган тақдирдагина божхона божлари, солиқлар тўланиши учун жавоб бермайди.



Божхона омбори фаолиятини  
лицензиялаш тўғрисидаги низомга  
илова

**Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Эркин омбор фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кодексининг 54-59, 65, 69, 70-72-моддаларига ва «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва эркин омбор фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Эркин омбор — махсус жиҳозланган ва белгиланган жой бўлиб, биноларнинг ҳудудини ва (ёки) очиқ майдончаларни ўз ичига олади ҳамда товарларни эркин омбор режимида божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган.

3. Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланган товарларни эркин омборда сақлашга рухсат берилмайди.

4. Эркин омборнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун фойдаланиладиган товарлар (масалан, ортиш-тушириш техникаси, совутиш ускунаси, компьютер техникаси, махсус кийим-бош ва ҳоказолар) божхона режими остида жойлаштирилмайди.

5. Эркин омборларда товарлар билан ишлаб чиқариш операциялари ва бошқа тижорат операциялари амалга оширилишига йўл қўйилади, уларни чакана сотиш бундан мустасно.

6. Эркин омборда сақланаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви ариза берилган божхона режимларига мувофиқ тегишли божхона режимлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Эркин омборда сақлашни назарда тутмайдиган ўзгача божхона режими остида ариза берилган товарларни эркин омбордан амалда олиб чиқиш танланган божхона режимига мувофиқ бундай товарлар чиқарилиши пайтидан бошлаб уч кундан кечикмай амалга оширилиши керак.

7. Эркин омбор фаолиятини амалга ошириш учун лицензия (кейинги ўринларда «лицензия» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда «лицензияловчи орган» деб юритилади) томонидан эркин омборнинг эгаси, ҳудуди ва бинолари мазкур Низом талаблари ва шартларига мувофиқ бўлиши ва уларни қондириши шarti билан эгалигида омбор ҳудуди, шунингдек эркин омбор сифатида фойдаланиш мўлжалланаётган омбор ва ёрдамчи бинолар бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсига беш йилга берилади.

Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

8. Эркин омбор фаолиятини амалга оширишга намунавий (оддий) лицензия берилади.

9. Лицензияни ёки у бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

### **II. Эркин омбор жойлашган жойга, унинг жиҳозланишига ва асбоб-ускуналарига қўйиладиган талаблар**

10. Эркин омбор ҳудуди божхона назорати зонаси ҳисобланади.

Эркин омбор ҳудудига мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган тартибда қўриқланадиган ва белгиланган товарларни божхона назорати остида етказиб беришни тугаллаш учун зарур бўлган вақтда товарларни ташиётган транспорт воситалари тўхтаб туриши учун жиҳозланган ҳудуд туташиб кетиши керак. Кўрсатиб ўтилган ҳудуд шунингдек божхона назорати зонаси ҳам ҳисобланади. Божхона назорати остидаги товарларни ташийдиган транспорт воситалари божхона назоратининг кўрсатиб ўтилган зонасига сутканинг исталган вақтида кириши мумкин.

Эркин омборлар имкони борича транспорт узеллари ва транспорт магистралларининг яқинида жойлашиши керак.

11. Эркин омбор сифатида фойдаланиш мўлжалланган бинолар ва (ёки) очиқ майдончалар сақланаётган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назорати амалга оширилиши, уларнинг сақланиши таъминланадиган тарзда жойлаштирилиши, жиҳозланиши ва асбоб-ускуналар билан таъминланиши керак ҳамда қўйидагиларни истисно этиши лозим:

эркин омбор ҳудудига ва товарларга бегона шахсларнинг (омбор ходимлари бўлмаган, товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлмаган шахсларнинг) яқинлашиши, товарларнинг божхона назоратидан ташқарига туширилиши ва олиб қўйилиши.

Эркин омбор биниси эшиги иккита қулф билан қулфланиши, улардан бири божхона органи ихтиёрида бўлиши керак.

Агар бинонинг ёки иншоотнинг бир қисми эркин омбор ҳисобланса, унга бориш йўлларининг асбоб-ускуналари ва жиҳозларига ҳамда туташиб кетадиган тушириш майдончалари божхона назорати остидаги товарларга бегона шахсларнинг яқинлашишини истисно этиши керак.

12. Эркин омбор ҳудуди ва бинолари майдони мазкур Низомда назарда тутилган талаблар ҳисобга олинган ҳолда эркин омборнинг нормал фаолият кўрсатиши учун етарли бўлиши керак.

13. Эркин омбор бинолари:

ер устидаги иморатларда ёки иншоотларда жойлаштирилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган техник, санитария, ёнғинга қарши ва бошқа талабларга жавоб бериши;

қўриқлаш ва ёнғин назорати сигнализациялари билан жиҳозланган бўлиши;

ёнғин хавфсизлигининг тегишли талабларига мувофиқ ёнғинни ўчириш тизими ва воситаларига эга бўлиши керак.

14. Бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган ёки алоҳида шарт-шароитларда сақланиши талаб этиладиган товарлар омборларда ёки эркин омборнинг бир қисми ҳисобланган ва бундай товарларни сақлаш учун махсус мослаштирилган алоҳида биноларда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган мажбурий талабларга риоя қилинган ҳолда сақланиши керак.

15. Эркин омборнинг эгаси:

эркин омборнинг умумий майдонини, яъни фақат вақтинча сақлаш божхона режими ва эркин омборнинг божхона режими остида жойлаштирилган товарларни ва уларга нисбатан эркин омборнинг божхона режими бошқа режимга ўзгартирилган товарларни сақлаш учун бевосита мўлжалланган ва фойдаланиладиган майдонни;

товарларни ташувчи транспорт воситаларига товарлар ортиладиган ва тушириладиган участкада эркин омборга туташиб кетадиган эркин омбор ва/ёки туташиб кетадиган эркин омбор атрофида жойлашган ҳудудни (кейинги ўринларда «эркин омборга бевосита туташиб кетган ҳудуд» деб юритилади);

божхона омборида товарни сақлаш мўлжалланган товарлар номенклатурасини белгилайди.

16. Битта юк божхона декларацияси бўйича эркин омборга жойлаштирилган

товарларни ёки битта юк божхона декларацияси бўйича бошқача божхона режими остида жойлаштиришга ариза берилган товарларни (эркин омбордан товарларни чиқаришда) сақлаш учун эркин омбор эгаси томонидан эркин омбор майдонининг бир қисми махсус ажратилади ва белгиланади (кейинги ўринларда «омбор ўрни» деб юритилади).

17. Эркин омбор ҳудуди ва биноси мазкур Низомнинг 19-бандига мувофиқ:

уларга нисбатан эркин омборнинг божхона режими тугалланган ва эркин омбордан олиб чиқиш мўлжалланган товарларни;

экспортнинг божхона режимига мувофиқ олиб чиқиш мўлжалланган товарларни сақлаш учун махсус ажратилган, тўсиб қўйилган ва тегишли равишда белгиланган майдонларга (зоналарга) эга бўлиши керак.

Зоналар товарни бир зонадан бошқа зонага ўтказишга тўсқинлик қилувчи яхлит ёки тўрсимон тўсиқлар билан ажратилиши, бундай зоналарга кириш эса (эшиклар, дарвоза) мустақил (алоҳида) бўлиши мумкин. Эркин омборни зоналарга ажратиш усули ва ушбу зоналарга кириш алоҳидалиги мустақиллиги тўғрисидаги қарорни лицензияловчи орган эркин омборда сақлашга мўлжалланган товарлар номенклатурасидан келиб чиқиб қабул қилади.

18. Эркин омборга бевосита туташиб кетган ва божхона назорати зонаси ҳисобланган ҳудуд қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

божхона омборига туташиб кетган бутун ҳудуд периметри бўйича махсус белгиланган (тўсилган);

ичкарасида эркин омборнинг бир қисми ҳисобланмаган ўзга иморатлар ва иншоотларга эга бўлмаслиги;

кўп юк кўтарадиган транспортнинг манёвр қилиши имкониятини таъминлаши; эшик ўрни томонидан эркин омбор иморатига бевосита туташиб кетган бўлиши; ўзбек, рус ва инглиз тилларида «божхона назорати зонаси» деган белги қўйилган бўлиши керак.

19. Эркин омбор ва божхона назорати зонаси ҳисобланган, эркин омборга бевосита туташиб кетган ҳудуд:

умумий периметр бўйича бир-биридан ажратилмаган;

яхлит тўсиқлар билан айлантириб тўсилган ва барча чиқиш (кириш) ва/ёки чиқиш (кириш) жойларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида «эркин омбор» белгиси қўйилган ҳолда назорат-ўтказиш пунктларига эга бўлиши керак.

20. Эркин омбор доимий равишда соз, ишлаш ҳолатида ва унинг нормал фаолият кўрсатиши учун етарлича бўлган ва қуйидагиларни ўз ичига олувчи жиҳозларга: ортиш-тушириш ва транспорт воситаларига;

омбор асбоб-ускуналарига;

аниқлиги ва ўлчаш чегаралари эркин омборда сақлаш мўлжалланаётган товарларнинг хусусиятига мувофиқ бўлган товарларнинг оғирлигини тортиш воситаларига;

алоқа воситаларига (шу жумладан телефон, факс);

ташкилий техникага;

мебелга;

агар бу унинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлса, асбоб-ускуналарнинг бошқа турларига эга бўлиши керак.

21. Эркин омборга жойлаштирилган товарлар устидан божхона назоратини таъминлаш учун лицензияловчи орган сақлашга мўлжалланаётган товарларнинг хусусиятини, шунингдек эркин омборни таъсис этиш учун мўлжалланаётган бинонинг (биноларнинг ёки бошқа жойнинг) жойлашишини ҳисобга олган ҳолда эркин

омбор ва унга бевосита туташиб кетган ҳудуднинг жойлашиши, ажратилиши ёки жиҳозланишига аниқ талаблар қўйишга ҳақлидир.

22. Эркин омборда ва божхона назорати зоналари ҳисобланган эркин омборга бевосита туташиб кетувчи ҳудудда ҳар қандай турдаги чиқиндилар ёки бошқа маиший ахлат тўпланиши мумкин эмас.

23. Божхона органи ходимлари учун божхона назоратини ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун зарур бўлган жиҳозланган бинолар, алоқа воситалари ажратилиши керак.

24. Эркин омборни таъсис этиш ва унинг фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикасининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

25. Эркин омборни асбоб-ускуналар билан қўшимча равишда таъминлаш (қўшимча равишда жиҳозлаш), тартибни сақлаш ҳамда қўриқлаш ва ўтказиш режимини таъминлаш лицензияловчи орган билан келишган ҳолда эркин омборнинг эгаси томонидан ва унинг ҳисобига амалга оширилади.

26. Мазкур Низомнинг 19-21-бандларида белгиланган талаблар эркин омборни таъсис этиш учун берилган аризани кўриб чиқиш босқичида божхона органи томонидан белгиланиши ва эркин омбордан фойдаланиш тартиб-қондасида акс эттирилиши керак.

### III. Эркин омборнинг эгасига қўйиладиган талаблар

27. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси эркин омборнинг эгаси бўлиши мумкин.

28. Эркин омборнинг эгаси қуйидагиларга мажбурдир:

эркин омборнинг божхона режими шартларига мувофиқ божхона назорати остида товарлар сақланишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

берилган лицензия шартларига, шу жумладан унинг эркин омборни жиҳозлаш ва уни асбоб-ускуналар билан таъминлаш талабларига оид қисмига риоя қилиш;

эркин омбор сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларга эгалик қилиш (ўз мулкида бўлиши ёки хўжалик юритишида, оператив бошқарувида бўлиши ва ижарага олган бўлиши);

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 111-моддасига мувофиқ божхона тўловлари тўланишини таъминлаш;

мазкур Низомнинг 3-бўлимида белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш;

эркин омборга жойлаштирилган товарларни фақат эркин омбор ҳудудида ва омбор биноларида сақлаш;

эркин омборга жойлаштириладиган товарлардан эркин омбор божхона режими мувофиқ кўрсатиб ўтилган товарларни сақлаш ва улар билан операциялар содир этишдан бошқа мақсадларда фойдаланилиши имкониятини истисно этиш;

божхона назоратини амалга оширишда божхона органлари ходимларига ёрдам бериш;

эркин омборга тушувчи ва эркин омбордан олиб чиқилувчи товарлар ҳисобини юритиш (шу жумладан автоматлаштирилган ҳисобини юритиш) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган тартибда божхона органларига ушбу товарлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиш;

божхона органининг талаби бўйича эркин омбордаги товарларни божхона органининг мансабдор шахси иштирокида хатловдан ўтказиш;

санитария қоидаларига, омборга жойлаштириш нормаларига, товарларнинг ёнма-ён қўйилиши қоидаларига ва сақлаш режимига, давлат стандартларининг мажбурий талабларига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар ва шартларни бажариш;

эркин божхона зонаси ва эркин омборнинг божхона режими амал қилиши тугаллангандан кейин аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган эркин омборда сақланаётган товарлар билан юз берган ўзгаришлар тўғрисида божхона органига имкони борича қисқа муддатларда маълум қилиш;

эркин омборда сақланаётган товарлар билан амалга оширилиши мўлжалланаётган операциялар тўғрисида божхона органини барвақт хабардор қилиш ва божхона органининг ёзма рухсатномасисиз бундай операциялар содир этилишига йўл қўймаслик;

мазкур Низомнинг 73-бандида назарда тутилган ҳолларда божхона божлари тўловлари тўлаш;

эркин омбор ҳудудини ва биноларини ҳамда эркин омборга бевосита туташиб кетувчи ҳудудни ижарага олиш муддати тамом бўлишидан икки ой олдин божхона органини, агар биноларни ва (ёки) очик майдончаларга эгалик қилиш унинг асосида амалга оширилса, ижара шартномаси узайтирилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, хабардор қилиш;

божхона органини таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, эркин омборга киришга рухсати бўлган ўз ходимлари рўйхатиغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

лицензия бекор қилинган ёки унинг амал қилиши тўхтатилган тақдирда, ёхуд эркин омбор тугатилган тақдирда бу ҳақда лицензияловчи органни хабардор қилиш, товарларнинг сақланишини таъминлаш, эркин омбор тугатилиши тартиб-қоидасини бажариш ва Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 59-моддасида белгиланган муддатларда омборда сақланаётган товарлар чиқарилиши чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг қонуний талабларини бажариш, шу жумладан божхона органлари мансабдор шахсларининг товарлар сақланаётган эркин омборга киришини таъминлаш;

божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун эркин омбордаги жиҳозланган бинолар, асбоб-ускуналар ва алоқа воситаларини божхона органлари ходимларига бепул тақдим этиш.

29. Эркин омборнинг эгаси божхона органини эркин омбор очилиши муддати тўғрисида олдиндан хабардор қилади. Товарларнинг божхона расмийлаштируви ва уларнинг кейинчалик эркин омборга жойлаштирилишига бундай билдиришнома олингандан кейин йўл қўйилади.

30. Вақтинчалик сақлаш омбори эгасининг товарларни сақлаш учун жойлаштирувчи шахслар билан муносабатлари шартнома асосида қурилади.

#### **IV. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар**

31. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами кўрсатилган лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

талабгорнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

эркин омбор ҳудудига ва биносига мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат. Агар бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларга эгалик қилиш ижара шартномаси асосида амалга оширилса, бундай шартноманинг амал қилиш муддати лицензия бериш тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб бир йилдан кам бўлмаслиги керак;

ариза берувчининг эгалигида бўлган ва эркин омбор сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган бинолар ва (ёки) очиқ майдончалар, улар жойлашган жой, уларнинг жиҳозланиши, асбоб-ускуналар билан таъминланиши ва моддий-техник жиҳозланиши тўғрисидаги маълумотлар;

автомобиль ва темир йўллар кўрсатилган ҳолда эркин омбор учун мўлжалланган ҳудуд ва биноларнинг тарҳи ва чизмаси;

талабгорнинг эркин омборга киришга рухсат берилган ходимларидан бўлган шахсларнинг рўйхати (фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозими кўрсатилган ҳолда);

давлат ёнгин назорати органларининг эркин омбор ҳудуди ва биноларнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

давлат санитария назорати органларининг эркин омбор ҳудуди ва биноларининг ариза берилган товарларни, шу жумладан озиқ-овқат товарларини — лицензиат бундай товарларни сақлаш ниятида бўлса — сақлаш учун зарур шарт-шароитларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

эркин омборда сақлаш мўлжалланаётган товарлар рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 111-моддасига мувофиқ божхона тўловлари тўлаш таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензия талабгори томонидан лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Эркин омбор сифатида фойдаланиш мўлжалланган ҳар бир ҳудудий алоҳида бинога ва (ёки) ҳар бир ҳудудий алоҳида очиқ майдончага алоҳида ариза тақдим этилади.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

32. Ҳужжатлар лицензияловчи органга лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

33. Ҳужжатлар лицензияловчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

34. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **V. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

35. Лицензия бериш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

36. Лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

37. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

38. Лицензия бериш, лицензияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, улар бўйича хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссиясининг таркиби ва у тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

39. Лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссиясига киритилади.

Эксперт комиссияси йиғирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

40. Лицензияловчи орган уч кун муддатда эксперт комиссияси хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензияловчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

41. Лицензия махсус бланкада расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

эркин омбор эгасининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва жойлашган жойи кўрсатилиши керак;

эркин омбор сифатида фойдаланиладиган бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар;

божхона тўловлари миқдорлари ва уларни тўлашни таъминлаш шакли тўғрисидаги маълумотлар;

эркин омбор жойлашган жой;

божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланадиган бошқа маълумотлар.

Бланкалар намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари лицензияловчи органнинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади.

42. Лицензиялар лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан кейин уч кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

43. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

44. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-



ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Бошқа асослар бўйича, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаби билан лицензия бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

45. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

46. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргалликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар эксперт комиссиясининг кўриб чиқиши учун улар қабул қилган кунда киритилади.

Эксперт комиссияси олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган уч кун муддатда эксперт комиссиясининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

47. Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **VI. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

48. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

49. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

50. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Қайта расмийлаштирилган лицензиянинг асл нусхаси лицензияловчи орган томонидан эркин омборнинг эгасига олдинги лицензиянинг асл нусхаси олиб қўйилган ҳолда берилади. Эски нусха лицензия бериш тўғрисидаги аризага тикиб қўйилади ва лицензияловчи органда сақланади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим лицензияловчи органнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

51. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

52. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

### **VII. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

53. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан назорат қилинади.

54. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёхуд тўхтатиш ҳуқуқига эгадир.

55. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида лицензияловчи органнинг мансабдор шахслари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатда қолади.

### **VIII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

56. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

57. Лицензиянинг амал қилиш муддати тўхтатиб турилиши ёки эркин омборнинг тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб эркин омборга товарларнинг янги туркумларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

58. Эркин омборни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган санадан бошлаб эркин омборнинг божхона режими остида жойлаштирилган ва бундай омборда сақланаётган товарлар вақтинча сақланаётган товарлар сифатида қаралади.

Тугатилаётган эркин омборда товарлар ва транспорт воситаларининг вақтинча сақлаш режимида бўлишининг умумий муддати икки ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

59. Эркин омборнинг эгаси лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши ёки унинг бекор қилиниши тўғрисидаги қарори олинган санадан бошлаб уч кун муддатда лицензияловчи органга Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланадиган шакл бўйича у фаолият кўрсатишининг бутун даври учун тугатилаётган эркин омборда сақланаётган товарлар тўғрисида тўлиқ ҳисобот тақдим этади.

60. Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб етти кун муддатдан кечикмай тугатилаётган эркин омборда сақланаётган товарларни хатловдан ўтказди.

61. Эркин омбор тугатилган тақдирда эркин омборнинг божхона режими остида жойлаштирилган ва эркин омбордаги товарлар товарни эркин омборга жойлаштирилган шахс, ёхуд унинг ваколатли шахси томонидан танланган божхона режимига мувофиқ:

лицензия бекор қилинганда — товарлар омборларга жойлаштирилган санадан бошлаб;

бошқа ҳолларда — тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб такроран божхона расмийлаштирувидан ўтиши керак.

62. Лицензия бекор қилинганлиги муносабати билан эркин омбор тугатилган тақдирда унинг эгаси товарлар сақлаш учун жойлаштирилган санадан бошлаб товарлар тугатилаётган эркин омборда бўлган бутун давр учун омборлар учун белгиланган миқдорларда товарлар сақланганлиги учун йиғим тўлайди.

63. Товарларни вақтинча сақлаш Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вақтинча сақланаётган товарлар ҳисоби товарлар уларга мувофиқ эркин омборнинг божхона режими остида жойлаштирилган божхона юк декларацияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

64. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши, тўхтатилиши ва лицензиянинг бекор қилиниши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

## IX. Лицензиялар реестри

65. Лицензияловчи орган божхона омборлари эгалари реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида лицензиатлар тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилиши керак:

номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

Эгаси божхона органлари ҳисобланган божхона омборлари Божхона омборлари эгалари реестрига киритилмайди.

66. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси олти ойда камида бир

марта божхона органларининг расмий нашрларида Божхона омборлари эгалари реестри, эгаси божхона органлари ҳисобланган божхона омборлари рўйхати, шунингдек Реестрга ва рўйхатга киритилаётган ўзгартиришлар эълон қилинишини таъминлайди.

67. Реестрдаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очик ҳисобланади, улар ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензияловчи органда лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридagi тўлов лицензияловчи органнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади.

Реестрдан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

68. Реестрдан маълумот тақдим этиш муддати тегишли ариза берилган санадан бошлаб уч кундан ортиқни ташкил этиши мумкин эмас (ахборот берилганлиги учун тўлов тўланганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этиш шарти билан).

### **Х. Давлат божини тўлаш тартиби**

69. Лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридa давлат божи ундирилади ва у давлат бюджетига ўтказилади.

70. Лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга лицензия беришда давлат божи миқдори лицензия амал қилишининг камайтирилган муддатига мутаносиб тарзда камайтирилади.

### **ХI. Эркин омбор эгасининг жавобгарлиги. Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш**

71. Эркин омборда товарлар сақланиши талаблари ва шартларига риоя этилиши учун эркин омборнинг эгаси товар эркин омборда сақлаш учун қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб жавоб беради, бу омборхона ҳужжати (омбор гувоҳнома-си, товарларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳоказолар) расмийлаштирилиши билан тасдиқланади.

72. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 58-моддасига мувофиқ эркин омборнинг божхона режими остида жойлаштирилган ва эркин омборда сақланаётган товарларга нисбатан божхона божлари, солиқлар тўланиши ва бошқа божхона тўловлари тўланиши учун эркин омборнинг эгаси ёхуд товарларни сақлаш учун божхона омборига жойлаштирган шахс жавоб беради.

73. Эркин омбор эгаси томонидан божхона тўловлари тўланишини таъминлаш белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши ва қуйидаги ҳолларда божхона тўловлари тўланиши таъминланишини назарда тутиши керак:

божхона органининг рухсатсиз бериш ёки эркин омборда сақланаётган товарларнинг йўқолиши;

лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин, эгасининг хоҳишига кўра ёхуд лицензия бекор қилинган ёки лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган эркин омборнинг тугатилиши;

божхона тўловлари тўланиши учун эркин омбор эгаси жавоб берадиган, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши.

74. Агар эркин омбор сифатида очик майдонча ёки эркин омбор сифатида ариза бериладиган бинонинг ҳажми (бошқа жой) ҳақида ариза берилса, эркин омборни таъсис этиш пайтида божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси майдончадан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади ва 1 кв. м майдон учун 5 энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида ёки 1 куб м бино ҳажми учун 1 энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида тегишлича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваридан кам бўлмаган миқдор ҳисобида ҳисоблаб чиқилади.


Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси ҳисоб-китоби эркин омбор сифатида талабгор томонидан ариза бериладиган бинолар (бошқа жойлар) майдони (ҳажми)ни ўрганиш ва мазкур эркин омборда сақланиши мўлжалланаётган товарлар рўйхати асосида лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади. Таъминлаш суммаси ҳисоб-китоби рўйхатда кўрсатилган товарларнинг энг юқори статистика қийматидан ва уларнинг мўлжалланаётган ҳажмларидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим.

Лицензияловчи орган божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг қабул қилинган суммаси миқдори бундай эркин омборда сақланаётган товарларнинг умумий статистика қийматига мувофиқлигини назорат қилиши ва товарларнинг кўрсатиб ўтилган умумий статистика қиймати ўзгарган тақдирда, божхона органи божхона тўловлари тўлаш суммасига тузатиш киритишга доир тегишли чора-тадбирлар кўриши керак.

75. Эркин омборнинг эгаси, агар товарлар енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида ёки сақлаш ва сотишнинг нормал шароитларида табиий камайиш туфайли йўқ қилинган ёки қайтариб бўлмайдиган тарзда қўлдан кетган тақдирдагина божхона божлари, солиқлар тўланиши учун жавоб бермайди.

Эркин омбор фаолиятини  
лицензиялаш тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Эркин омбор фаолиятини лицензиялаш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кодексининг 29-моддасига ва «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Бож олинмайдиган савдо дўкони Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди чегарасидан чиқиб кетаётган жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб келинган хорижий товарларни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиққан товарларни эркин алмаштириладиган валютага чакана сотиш учун мўлжалланган.

3. Бож олинмайдиган савдо дўкони халқаро алоқа учун очилган аэропортларда, портларда ва жисмоний шахслар томонидан чегарани кесиб ўтишга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтказишнинг бошқа манзилларида очилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Бож олинмайдиган савдо дўконини очиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш манзилларида режим белгиланиши тартибига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмита билан келишган ҳолда амалга оширилади.

4. Бож олинмайдиган савдо дўконида товарларни сотиш бож олинмайдиган савдо дўконининг божхона режими шартлари ва талабларига мувофиқ божхона назорати остида амалга оширилади.

Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолият кўрсатишини таъминлаш учун фойдаланиладиган товарлар бож олинмайдиган савдо дўконида божхона режими остида жойлаштирилиши мумкин эмас.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш чекланган товарлар бож олинмайдиган савдо дўкони режимида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилиши мумкин.

6. Бож олинмайдиган савдо дўконида:

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб келиш ва ундан олиб чиқиш тақиқланган товарлар, шу жумладан олиб чиқилишига лицензия талаб этиладиган товарлар, рангли ва қора металллардан тайёрланган юксак даражада қайта ишланган тайёр буюмлар бундан мустасно;

чакана сотиш учун ўраб-жойланган ва бевосита истеъмол қилиш учун тайёр бўлган 1 килограммдан ортиқ бўлмаган нетто оғирликдаги озиқ-овқат маҳсулотлари;

чакана сотиш учун ўралган дори-дармон воситалари (шу жумладан провитаминлар, витаминлар, гормонлар ва антибиотиклар), агар улар врачнинг рецептсиз (тайинлашувисиз) сотилиши мумкин бўлмаса;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан, шунингдек қаҳрабодан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа маиший буюмлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланиши ва сотилиши тақиқланган товарлар;

бошқа давлат органларининг назоратидан ўтиши керак бўлган товарлар, ушбу органларнинг рухсатномаси мавжуд бўлмаган тақдирда;

жисмоний шахсларнинг шахсий фойдаланиш ёки истъёмол қилиши учун мўлжалланмаган товарлар;

вазни оғир товарлар (20 килограммдан ортиқ оғирликда) ва ўлчами катта товарлар (узунлиги, кенлиги ва баландлиги ўлчамлари жами 200 сантиметрдан ортиқ бўлганда) сотилишига рухсат берилмайди.

7. Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини амалга оширишга лицензия (кейинги ўринларда «лицензия» деб юритилади) эгаллигида бож олинмайдиган савдо дўкони сифатида фойдаланиш мўлжалланган ва мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлган савдо заллари, ёрдамчи бинолари ва омбори бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда «лицензияловчи орган» деб юритилади) томонидан беш йилга берилади.

Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

8. Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини амалга оширишга намунавий (оддий) лицензия берилади.

9. Лицензияни ёки у бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

## **II. Бож олинмайдиган савдо дўкони жойлашган жойга, унинг жиҳозланишига ва асбоб-ускуналарига қўйиладиган талаблар**

10. Бож олинмайдиган савдо дўкони ҳудуди савдо заллари ҳудудини, ёрдамчи бинолар ва дўкон омборини ўз ичига олади ҳамда божхона назорати зонаси ҳисобланади.

11. Бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо зали, ёрдамчи биноси ва омбори: товарлар фақат бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо залларида сотилишини ҳамда уларга нисбатан божхона назорати ўтказиш имкониятини таъминлайдиган тарзда жиҳозланиши;

мазкур Низомда назарда тутилган талаблар ҳисобга олгинган ҳолда бож олинмайдиган савдо дўконининг нормал фаолият кўрсатиши учун етарли бўлган майдонга эга бўлиши;

бир-бирига бевосита яқин жойга жойлаштирилиши (аэропорт, порт ҳудуди, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтказиш манзили доирасида) керак.

12. Агар бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо заллари, ёрдамчи бинолари ва омбори мазкур Низомнинг 11-банди талабларига риоя қилинганда бир-биридан йироқда (500 метрдан ортиқ) жойлашган бўлса, товарларни омбордан савдо заллари ва ёрдамчи биноларга олиб ўтиш Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 61-моддаси 5-қисмида белгиланган ҳолларда божхона кузатувида амалга оширилиши мумкин. Божхона кузатуви учун божхона йиғимлари белгиланган миқдорда ундирилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш манзилларидан ташқарида жойлашган бож олинмайдиган савдо дўкони омбори қонун ҳужжатларида божхона омборлари учун назарда тутилган тартибга татбиқан жиҳозланиши керак.

14. Бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо заллари товарлар сақланиши таъминланадиган ва қуйидагиларни:

бож олинмайдиган савдо дўконидан сотиб олинган товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида қолдирилишини, шу жумладан ушбу ҳудудда қолаётган жисмоний шахсларга бериш йўли билан қолдирилишини;



товарларнинг божхона назоратидан ташқари тушиши ва олиб қўйилишини;  
товарларга бегона шахсларнинг яқинлашишини истисно этадиган тарзда жойлаштирилиши ва жиҳозланиши керак.

15. Бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо заллари:

божхона назорати линиясидан — жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтганда улар олиб ўтаётган товарларни божхонада расмийлаштириш учун белгиланган жойлар доирасидан ташқарида бўлиши керак;  
ушбу залларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кираётган жисмоний шахсларнинг кириши имконияти истисно этиладиган тарзда жойлашиши керак.

16. Бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо зали биноси, ёрдамчи биноси ва омбори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган техник, санитария, ёнғинга қарши талабларга ва бошқа талабларга жавоб бериши керак.

### **III. Бож олинмайдиган савдо дўконининг эгасига қўйиладиган талаблар**

17. Бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси қўйидагиларга мажбурдир:

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

берилган лицензия шартларига ҳамда мазкур Низомнинг II бўлимида белгиланган бож олинмайдиган савдо дўконини жиҳозлаш ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш талабларига риоя қилиш;

бож олинмайдиган савдо дўконига сотиш учун тушувчи товарлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш имкониятини истисно этиш;

бож олинмайдиган савдо дўконига жойлаштирилган товарларни фақат ёрдамчи биноларда ва бож олинмайдиган савдо дўконининг омборларида сақлаш;

бож олинмайдиган савдо дўконига тушувчи ва бож олинмайдиган савдо дўконидан олиб чиқиладиган товарлар ҳисобини юритиш, шу жумладан автоматлаштирилган ҳисобини юритиш ва ушбу товарлар тўғрисида лицензияловчи орган томонидан белгиланган тартибда божхона органларига ҳисобот тақдим этиш;

божхона органининг талаби бўйича божхона омборидаги товарларни божхона органининг мансабдор шахси иштирокида хатловдан ўтказиш;

божхона назоратини амалга оширишда божхона органлари ходимларига ёрдам бериш;

санитария қоидаларига, омборга жойлаштириш нормаларига, товарларнинг ёнмаён қўйилиши қоидаларига ва сақлаш режимига, давлат стандартларининг мажбурий талабларига риоя қилиш, мазкур Низомда белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг савдо соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар ва шартларни бажариш;

нақд хорижий валюта ва хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари билан ишлашга татбиқан касса операциялари юритишнинг амалдаги тартиби талабларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган валюта операцияларини амалга оширишнинг бошқа қоидаларига риоя қилиш;

фаолиятнинг тегишли турига рўйхатдан ўтказиш ёки рухсат бериш ҳужжатларига эга бўлиш, башарти уларни олиш мажбурийлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган бўлса;

бож олинмайдиган савдо дўкони омборида товарларни махсус маркалаш ва бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо залларида товарларни фақат улар мана шу тарзда маркаланган тақдирда сотиш;

мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган ҳолларда божхона божлари, солиқлар ва йиғимлар тўлаш;

бож олинмайдиган савдо дўкони ёпилган тақдирда бу ҳақда лицензияловчи органни хабардор қилиш;

таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, божхона омборига кириш ҳуқуқига эга бўлган ўз ходимлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги тўғрисида лицензияловчи органни ўз вақтида хабардор қилиш; божхона органларининг қонуний талабларини бажариш.

18. Бож олинмайдиган савдо дўкони эгаси божхона органини бож олинмайдиган савдо дўконини очиш санаси тўғрисида олдиндан хабардор қилади. Бож олинмайдиган савдо дўконининг божхона режимига мувофиқ товарларнинг божхона расмийлаштирувига мана шундай билдиришнома олингандан кейин йўл қўйилади.

19. Бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси:

бож олинмайдиган савдо дўконининг божхона режими остида жойлаштирилган товарлар йўқотилган тақдирда бундай товарларга ёхуд улардан қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларга мувофиқ бож олинмайдиган савдо дўконида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди ташқарисига чиқиб кетаётган жисмоний шахсларга чакана сотишдан бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарларга нисбатан божхона божлари, солиқлар тўланиши учун;

бож олинмайдиган савдо дўконининг божхона режими остида жойлаштирилмаган товарлар сотилиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Бож олинмайдиган савдо дўкони эгаси, агар товарлар енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида ёки сақлаш ва сотишнинг нормал шароитларида табиий камайиш туфайли йўқ қилинган ёки қайтариб бўлмайдиган тарзда қўлдан кетган тақдирдагина божхона божлари, солиқлар тўланиши учун жавоб бермайди.

21. Божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун, зарурат бўлганда, бож олинмайдиган савдо дўкони эгаси божхона органининг мансабдор шахсларига бож олинмайдиган савдо дўконида бино ва алоқа воситалари беради.

#### **IV. Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар**

22. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами кўрсатилган лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

ариза берувчининг эгаллигида бўлган ва бож олинмайдиган савдо дўкони сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган савдо заллари, ёрдамчи бинолар ва омборларлар, улар жойлашган жой, уларнинг жиҳозланиши, асбоб-ускуналар билан таъминланиши ва моддий-техник жиҳозланиши тўғрисидаги маълумотлар;

бож олинмайдиган савдо дўконига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати (фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозими кўрсатилган ҳолда);

бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо зали, ёрдамчи биноси ва омборининг тархи ва чизмаси;

бож олинмайдиган савдо дўкони савдо залларига, ёрдамчи биносига ва омборига мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат;

давлат ёнфин назорати органларининг бож олинмайдиган савдо дўкони савдо зали, ёрдамчи биноси ва омборининг ёнфин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

давлат санитария назорати органларининг бож олинмайдиган савдо дўкони савдо зали, ёрдамчи биноси ва омборининг товарларни сақлаш учун зарур шарт-шароитларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

бож олинмайдиган савдо дўконида сотиш мўлжалланаётган товарлар рўйхати ва бож олинмайдиган савдо дўконида унинг ёрдамчи бинолари ва омборида туриши мумкин бўлган барча товарларнинг максимал қиймати;

бож олинмайдиган савдо дўконида унинг ёрдамчи бинолари ва омборларида эркин айланишга чиқариш режимида турган барча товарлар бир вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказилганда тўланиши мумкин бўлган божхона тўловлари суммасига божхона тўловлари тўланишини таъминлашни тасдиқлайдиган ҳужжат;

лицензия талабгори томонидан лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

23. Ҳужжатлар лицензияловчи органга лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

24. Ҳужжатлар лицензияловчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

25. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **V. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

26. Лицензия бериш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

27. Лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

28. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

29. Лицензия бериш, лицензияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, улар бўйича хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссиясининг таркиби ва у тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

30. Лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссиясига киритилади.

Эксперт комиссияси йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

31. Лицензияловчи орган беш кун муддатда эксперт комиссияси хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензияловчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

32. Лицензия махсус бланкада расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

бож олинмайдиган савдо дўкони эгасининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва жойлашган жойи кўрсатилиши керак;

бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо зали, ёрдамчи биноси ва омборига эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар;

божхона тўловлари миқдорлари ва уларни тўлашни таъминлаш шакли тўғрисидаги маълумотлар;

бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо зали, ёрдамчи биноси ва омбори жойлашган жой;

божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланадиган бошқа маълумотлар.

33. Лицензиялар бланкалари намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари лицензияловчи органнинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади.

34. Лицензиялар лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан кейин уч кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

35. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

36. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Бошқа асослар бўйича, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаби билан лицензия бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

37. Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи органнинг мансабдор шахси хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

38. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжат-

ларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

39. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар эксперт комиссиясининг кўриб чиқиши учун улар қабул қилган кунда киритилади.

Эксперт комиссияси олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган тўрт кун муддатда эксперт комиссиясининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

40. Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **VI. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

41. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

42. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

43. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Қайта расмийлаштирилган лицензиянинг асл нусхаси лицензияловчи орган томонидан лицензиатга олдинги лицензиянинг асл нусхаси олиб қўйилган ҳолда берилади. Эски нусха лицензия бериш тўғрисидаги аризага тикиб қўйилади ва лицензияловчи органда сақланади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

44. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

45. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

## **VII. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

46. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан назорат қилинади.

47. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

48. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

## **VIII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

49. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи органнинг қарорига кўра амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

50. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи органнинг қарорига кўра амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

51. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи органнинг қарорига кўра амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг бекор қилиниши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

### **IX. Лицензиялар реестри**

52. Лицензияловчи орган берилган лицензиялар реестрини юритади.

53. Лицензиялар реестрида лицензиатлар тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони; лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

54. Реестрдаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ҳақини тўлаган ҳолда лицензияловчи органда лицензиялар реестридан аниқ лицензиатлар ҳақида кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги тўлов лицензияловчи органнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади.

Реестрдан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.


### **X. Давлат божини тўлаш тартиби**

55. Лицензия берилганлиги ёки унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

56. Лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга лицензия беришда ва унинг муддатини узайтиришда давлат божи миқдори лицензия амал қилишининг камайтирилган муддатига мутаносиб тарзда камайтирилади.

Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолияти-  
ни лицензиялаш тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини  
лицензиялаш схемаси**





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **225** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш ташкил этиш тўғрисида

### [Кўчирма]

Хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнларини фаоллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек Ҳукумат томонидан ёки унинг қафолати остида жалб қилинган кредитлар ва инвестицияларга хизмат кўрсатиш ва уларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш 1-иловага\* мувофиқ ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагилар Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: инвестиция муҳитини тизимли таҳлил этиш ва уни яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш;

ваколатли экспертиза органларининг хулосалари асосида хорижий инвестициялар ва Ҳукумат қафолати остида кредитлар жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш;

ўзаро қизиқиш уйғотувчи муаммоларни муҳокама қилиш учун республикада ва чет элларда халқаро конференциялар, семинарлар ва бизнес-форумлар («Ўзбекистонда бизнес қилинг», «Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятлари» ва бошқалар) мунтазам равишда ўтказилишини назарда тутган ҳолда потенциал инвесторлар ва донор мамлакатлар билан доимий алоқалар ўрнатиш ва бундай алоқаларни қўллаб-қувватлаш;

жалб этилаётган инвестицияларни иқтисодиёт тармоқлари ва республика минтақалари бўйича мақбул тақсимлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Ҳукумат томонидан ва унинг қафолати остида жалб этилган кредитларнинг тизимли мониторингини олиб бориш ва улар бўйича мажбуриятларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий инвестициялар ва кредитлар соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш;

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 21 ноябрь,  
526-сон

---

\* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 21 ноябрдаги 526-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича  
Идоралараро кенгаш тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда «Идоралараро кенгаш» деб юритилади) хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнларини фаоллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлар ва инвестицияларга хизмат кўрсатиш ва уларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилади.

2. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

Идоралараро кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

3. Қуйидагилар Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

инвестиция муҳитини тизимли таҳлил этиш ва уни яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодийётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестициялар жалб этилишини фаоллаштириш;

ваколатли экспертиза органларининг хулосалари асосида хорижий инвестициялар ва Ҳукумат кафолати остида кредитлар жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш;

ўзаро қизиқиш уйғотувчи муаммоларни муҳокама қилиш учун республикада ва чет элларда халқаро конференциялар, семинарлар ва бизнес-форумлар («Ўзбекистонда бизнес қилинг», «Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятлари» ва бошқалар) мунтазам равишда ўтказилишини назарда тутган ҳолда потенциал инвесторлар ва донор мамлакатлар билан доимий алоқалар ўрнатиш ва бундай алоқаларни қўллаб-қувватлаш;

жалб этилаётган инвестицияларни иқтисодийёт тармоқлари ва республика минтақалари бўйича мақбул тақсимлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Ҳукумат томонидан ва унинг кафолати остида жалб этилган кредитларнинг тизимли мониторингини олиб бориш ва улар бўйича мажбуриятларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий инвестициялар ва кредитлар соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш.

4. Идоралараро кенгашга юкланган вазифаларни амалга ошириш учун унинг таркибида қуйидаги масалалар бўйича гуруҳлар ташкил этилади:

хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш;

инвестиция муҳитини ва хорижий инвесторларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш;

инвестиция лойиҳалари самарали амалга оширилишини ва кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишининг мониторинги ва бошқа масалалар.

5. Ишчи гуруҳлар, Идоралараро кенгашга юкланган вазифаларга мувофиқ, қуйидаги функцияларни амалга оширадilar:

вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва ишчи гуруҳ аъзоларининг таклифларини кўриб чиқиш;

тизимли муаммолар аниқланган тақдирда уларни ҳал этиш учун аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

Идоралараро кенгашнинг кўриб чиқиши учун тегишли таклифлар киритиш.

6. Идоралараро кенгаш ва ишчи гуруҳлар заруриятга кўра, бироқ йил чорагида камида бир марта мажлис ўтказади.

7. Идоралараро кенгаш ва ишчи гуруҳлар мажлислари, башарти уларда улар аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади. Идоралараро кенгаш ва ишчи гуруҳлар аъзолари уларнинг мажлисларида шахсан ҳозир бўлиши керак. Идоралараро кенгаш ва ишчи гуруҳ аъзоси ҳолисона сабабларга кўра мажлисда ҳозир бўлмаганда унинг ваколатли вакили овоз бериш ҳуқуқисиз мажлисга юборилиши мумкин.

8. Идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлисини ўтказиш, мажлиснинг кун тартиби тўғрисидаги таклифлар ва барча зарур ҳужжатлар тегишли ишчи гуруҳларнинг раҳбарлари томонидан Идоралараро кенгаш аъзоларининг кўриб чиқиши учун Идоралараро кенгаш мажлиси мўлжалланаётган санадан камида беш кун олдин киритилади.

9. Идоралараро кенгаш ва ишчи гуруҳларнинг қарорлари, башарти уларнинг мажлисда ҳозир бўлган аъзоларининг камида 75 фоизи овоз берса, қабул қилинади ҳамда икки иш кунда Идоралараро кенгаш ва ишчи гуруҳларнинг овоз беришда қатнашган барча аъзолари томонидан имзоланадиган протокол билан расмийлаштирилади. Идоралараро кенгаш ва ишчи гуруҳлар аъзолари протоколни имзолашда ўз фикрларини ёзма шаклда ифодалашга ҳақлидир.

10. Ҳолисона сабабларга кўра Идоралараро кенгаш мажлисида иштирок этмаган Идоралараро кенгаш ва ишчи гуруҳлар аъзолари Идоралараро кенгашнинг ҳар қандай қарори билан танишишга ҳақлидирлар, қабул қилинган қарорга рози бўлмаган тақдирда эса:

ўз фикрини ёзма шаклда ифодалашга;

қабул қилинган қарорни қайта кўриб чиқиш талабига Идоралараро кенгаш барча аъзоларининг камида учдан бир қисми қўшилиши шарти билан қарорни қайта кўриб чиқиш мақсадида ушбу масала бўйича Идоралараро кенгаш мажлиси такроран ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир.

11. Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини гуруҳларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган иш режасига мувофиқ ташкил этадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **226** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий маърифат соҳасидаги фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий маърифат соҳасидаги функцияларидан келиб чиққан ҳолда, жамиятда ҳуқуқий онгни ва ҳуқуқий маърифатни ошириш ишларини кучайтириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий маданият тарғиботини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошқарув ходимлари сони 3 нафарга кўпайтирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази тугатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида тугатилаётган Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг минтақавий бўлимлари ўрнига бир нафардан ҳуқуқий маърифат бўйича мутахассис лавозими киритилсин, улар бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармасига бўйсундирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг харажатлар сметаси ва штатлар рўйхатига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлдаги 367-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 21 ноябрь,  
528-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 21 ноябрдаги 528-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон  
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор 5-бандининг иккинчи хатбошидаги ва 4-иловадаги «194» ва «143» рақамлари тегишли равишда «197» ва «146» рақамлари билан алмаштирилсин;
2. 2-иловада 7-банднинг 14-кичик банди тўртинчи хатбошидаги «шунингдек Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази» сўзлари чиқариб ташлансин;
3. 3-иловадаги «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази» графаси чиқариб ташлансин;
4. 4-илованинг «Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси» графасидаги «4» рақами «7» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**227 Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан  
Давлат чегараси чизиғини белгилаш тартиби  
тўғрисида**

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қўшни мамлакатлар билан Давлат чегараси чизиғини белгилаш ишларини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, Давлат чегараси чизиғи халқаро шартномалар билан аниқланади ва жойларда ўз ичига асосий (чегара устуни), қўшимча ва ёрдамчи белгиларни (қоровултепалар, буйлар, ишорат қозиклари, стволлар ва бошқа белгилар) ўз ичига олувчи чегара белгилари тизими билан белгиланади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

асосий чегара белгиси Давлат чегарасининг дахлсизлиги, мамлакатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги рамзи ҳисобланади ва ўтказиш манзилларида, қуруқликдаги участкалардан дарё (кўл, денгиз) участкаларига Давлат чегарасидан ўтиш жойларида, уч давлат чегараси туташган жойларда ва Давлат чегараси чизиғи ўтинининг бошқа характерли нуқталарида ўрнатилади;

қўшимча чегара белгилари асосий чегара белгилари ўртасида Давлат чегараси ўтиши чизиғини белгилаш учун ўрнатилади;

ёрдмчи чегара белгилари айрим бориш қийин бўлган қуруқликдаги участкаларда ва дарёлар, кўллар ва бошқа сув ҳавзаларининг сув юзасида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси чизиғи ўтишини белгилаш учун қўлланилади;

асосий, қўшимча ва ёрдмчи чегара белгилари Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

3. Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисининг тавсифи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, қўшимча, ёрдамчи чегара белгилари, ствол белгилари, буйлар, ишорат қозиқларининг шакллари ва ўлчамлари Демаркация бўйича ҳукуматлараро комиссиялар томонидан тасдиқланади.

4. Белгилансинки,

Ўзбекистон Республикасининг чегара белгилари Давлат чегараси чизигида, географик координатлари аниқ белгиланган ва Демаркация бўйича ҳукуматлараро комиссия протоколи тузилган ҳолда ўрнатилади. Чегара белгилари аниқ кўриниб туриши, мустаҳкам ва чидамли бўлиши керак;

чегара белгилари ўрнатилгандан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитага берилади. Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита чегара белгиларининг қўриқланишини ва уларнинг кейинчалик сақланишини таъминлайди.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 24 ноябрь,  
530-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 24 ноябрдаги 530-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисининг тавсифи**

Қўшни давлатлар билан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини демаркация қилишда ўрнатиладиган Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгиси\* кўндаланг кесими 18х22 см, баландлиги 265 см бўлган ва юқори қисмида тўрт қиррали пирамидал шакли тўғри бурчакли конструкциядан иборат темир-бетондан иборатдир. Чегара белгиси ерга ўрнатилгандан кейин унинг конструкцияси ўзида баландлиги 200 см устунни, пойдевори ва тўкилган тошни ифодалайди.

Асосий чегара белгиси бутун устун бўйлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангига мос ранга бўялади.

Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ўрнатилади ва мазкур белгининг тартиб рақами ёзиб қўйилади (араб рақамлари билан).

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири қолипаш усули билан 22х22 см ўлчамли металл пластинкага туширилади. Давлат герби тўкилган тошдан 165 см баландликда (пластинканинг пастиди) асосий чегара белгисининг қўшни давлат томонга қаратилган томонида ўрнатилади.

10 см баландликдаги тартиб рақами ҳаво ранг фонда оқ эмал бўёқ билан бўялади. Рақамлар Давлат герби тасвири туширилган пластинкадан 5 см қуйида ўрнатилади. (Тегишли асосий чегара белгиси рақами шунингдек қўшимча чегара белги-

\* Асосий чегара белгиси берилмайди.

ларида ҳам кўрсатилади, уларнинг тартиб рақами каср сон шаклида ёзилади, суратда асосий чегара белгиси рақами ва махражда мазкур қўшимча белгининг ўзининг тартиб рақами кўрсатилади).

Асосий чегара белгиларида Давлат герби тасвири ва тартиб рақамидан бошқа белгилар назарда тутилмайди.

Чегара белгиси аниқ кўриниб турадиган, мустаҳкам ва чидамли бўлиши керак. Белги чегара белгисининг асоси майдончаси ернинг чўкишини истисно этадиган, узоқ вақт сақланишни ҳамда инсон ёки табиат кучларининг (сув тошқини, ўпирилиш, кўчки) таъсири натижасида емирилишдан ёки йўқ қилинишдан ишончли химояланишни кафолатловчи зичлантириш ва темир-бетонга маҳкамлаш ишлари олиб борилган ҳолда тупроқнинг чўкишини истисно этадиган қаттиқ (зич) ерга камида 65 см чуқурликда ўрнатилиши керак.

Чегара белгиларини чўкадиган ерга ва силжиб турадиган тупроққа ўрнатиш тақиқланади. Чегара белгиларини чўл-қумлоқ жойларда ўрнатиш бўйича технология схемаларини ишлаб чиқишда пойдеворнинг асосини зичлаш ва эрозияга қарши жараёнларни амалга ошириш (шағал ётқизиш, чим босиш ва бошқалар) шарт эканлиги назарда тутилади.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 228 Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартиби тўғрисида

«Ташқи қарзларни олиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси кафолатлари фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида берилади;

хорижий кредитлар ва қарзлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тўғрисидаги таклифлар Вазирлар Маҳкамасига фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан киритилади.

2. Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, бунда ушбу норманинг 2004 йил 1 январдан бошлаб жорий этилишини назарда тутсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун

хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 28 ноябрь,  
534-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 28 ноябрдаги 534-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Жалб этиладиган хорижий кредитлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси резидентларининг мажбуриятлари бўйича кредиторларга Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартибини белгилайди.

2. Юридик шахслар — резидентлар мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари хорижий кредиторларга хорижий давлатлар, банклар ёки юридик шахслар билан тузилган ташқи қарзларни олиш тўғрисидаги шартномалар бўйича берилади.

Истисно ҳолларда Ўзбекистон Республикаси кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси кафолати остида олинган хорижий кредитларни қайта молиялаштириш ёки улар бўйича давлат бюджети маблағлари кредитларни қайтариш манбаи этиб белгиланган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларнинг молиялаштирилишини таъминлаш учун берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси кафолатлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган давлат ташқи қарзининг чекланган миқдори доирасида берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси кафолатлари фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида берилади.

Хорижий кредитлар ва қарзлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тўғрисидаги таклифлар Вазирлар Маҳкамасига фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича техник-иқтисодий асослашга доир материалларни, шунингдек уларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси резидентларининг норезидентлар олдидаги бирон-бир мажбуриятлари назарда тутиладиган хужжатларни олдиндан кўриб чиқади ва улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса киритади.

Ўзбекистон Республикаси кафолатлари, қоидага кўра, устав жамғармаларидаги давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган юридик шахсларнинг лойиҳаларини таъ-



минлаш учун берилмайди, Хукумат қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Ўзбекистон Республикаси кафолатлари хорижий кредиторларга қарз оловчи томонидан кредитор тўғрисида кейинги уч молия йили учун эълон қилинган йиллик ҳисоботлар асосида ахборот тақдим этилган тақдирда берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган кредит (қарз битимлари шартларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек ушбу битимлар шартларининг ўзгартирилиши билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ёки Бош вазирининг ёзма топшириғига кўра амалга оширилади.

## **II. Ўзбекистон Республикаси кафолатларини олиш учун мурожаат қилиш тартиби ва уларни бериш шартлари**

7. Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси кафолатларини олиш учун қарз оловчи, хорижий кредит қайта молиялаштирилган тақдирда эса — субқарз оловчи билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) уларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси резидентларининг норезидентлар олдидаги бирон-бир мажбуриятлари назарда тутилган ҳужжатлар, улар асосида ташқи қарзлар жалб этиладиган ёки улар бўйича жалб этиладиган ташқи қарзлар олиниши муносабати билан қарз оловчи (субқарз оловчи) мажбуриятлари пайдо бўладиган ҳужжатларнинг асл нусха тилидаги нусхалари, шунингдек уларнинг расмий тасдиқланган давлат ёки рус тилига таржимаси, шу жумладан:

кредит (қарз/субқарз) битими лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси кафолати ва кафолат битими матнлари;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агенлигининг контрактлар бўйича хулосалари;

б) жалб этиладиган кредитларни ўзлаштириш ва қайтаришнинг қарз оловчи томонидан имзоланган прогноз жадваллари;

в) лойиҳани молиялаштиришнинг барча манбалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

г) қарз оловчи (субқарз оловчи) ва/ёки Кафолатчи томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларга тааллуқли бошқа ҳужжатлар.

Агар Ўзбекистон Республикаси кафолати базис (келишилган) кредит (қарз) битимлари бўйича бериладиган бўлса, у ҳолда фақат ушбу банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилади.

Базис (келишилган) кредит (қарз) битими дейилганда аниқ лойиҳалар кўрсатилмасдан, молиялаштиришнинг умумий шартлари белгиланадиган, банклар ўртасида имзоланадиган битим тушунилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олинган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда:

мулоҳазалар ва таклифлар мавжуд бўлган тақдирда уларни қарз оловчига (субқарз оловчига) пухта ишлаш учун ёзма равишда жўнатади;

мулоҳазалар мавжуд бўлмаганда Ўзбекистон Республикаси кафолатини беришга тайёр эканлик тўғрисида тегишли тасдиқнома-хатни жўнатади.

9. Молия вазирлигининг тегишли тасдиқнома-хати олингач қарз оловчи хорижий кредитор билан кредит (қарз) битимини тузади, битимнинг асли ва нусхаси

тақдим этилгандан кейин Молия вазирлиги қарз олувчи (субқарз олувчи) билан бир ҳафта муддатда қафолат битимини тузади.

10. Қафолат битими тузилгач Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси қафолатини ва кредит (қарз) битимни расмийлаштиради ҳамда рўйхатдан ўтказиши, сўнгра Ўзбекистон Республикаси қафолатини ва кредит (қарз) битимининг асл нусхасини хорижий кредиторга тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси қафолати ва кредит (қарз) битими алоҳида дафтарларда рўйхатдан ўтказилади, уларда қафолатнома беришга ва кредит (қарз) битимини имзолашга асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққан сана ва унинг тартиб рақами, қафолатланган мажбуриятлар миқдори, қафолатнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва берилган санаси, кредит (қарз) битимининг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, хорижий кредитор, хорижий кредит қайта молиялаштирилган тақдирда эса — республиканинг қайта молиялаштирувчи тижорат банки, қарз олувчи (субқарз олувчи) — Ўзбекистон Республикаси резиденти кўрсатилади. Кўрсатиб ўтилган дафтарлар тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан имзоланган ва Молия вазирлигининг гербли муҳри қўйилган бўлиши керак.

### III. Яқуний қоидалар

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва қарз олувчи (субқарз олувчи) ўртасида тузиладиган қафолат битимига мувофиқ, қарз олувчи (субқарз олувчи):

а) тўловларни ўз вақтида амалга ошириши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан қафолатланган кредит (қарз/субқарз) битимида назарда тутилган барча мажбуриятларни бажариши;

б) бошқа кредит (қарз)ларни Молия вазирлиги билан келишган ҳолда жалб этиши шарт;

в) қарз олувчи томонидан Молия вазирлиги олдидаги шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда қарз олувчи Молия вазирлиги билан келишмасдан фойдани тақсимлаш ва бошқа қарзлар бўйича тўловларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

12. Молия вазирлиги пул маблағларини қарз олувчининг ва субқарз олувчининг (субқарз олувчининг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қафолати берилган тақдирда) исталган ҳисоб рақамидан исталган валютада сўзсиз ундириш ҳуқуқига эга.

Қарз олувчи (субқарз олувчи)нинг ҳисоб рақамларидан пул маблағларини кўчириш тўловларни бюджетга кўчириш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси томонидан қафолатланган хорижий кредитларни ҳисобга олиш ва уларнинг ҳаракатини кузатиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда мазкур кредитларга хизмат кўрсатувчи ваколатли банклар томонидан амалга оширилади.

14. Қарз олувчи қафолат амалда бўлган муддат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

қарз олувчи (субқарз олувчи)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан қафолатланган мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида Молия вазирлиги томонидан белгиладиган шакл бўйича ҳисоботларни ҳар ойда, ойнинг бешинчи кунидан кечикмай;

қарз олувчи (субқарз олувчи)нинг аудитор ташкилот томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботини ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июлидан кечикмай тақдим этиши шарт.